БУТУН ДУНЁ ПРОЛЕТАРЛАРИ, БИРЛАШИНГИЗ!

ҚИЗИЛ ЎЗБЕКИСТОН

ЎЗБЕКИСТОН КОМПАРТИЯСИ МАРКАЗИЙ КОМИТЕТИ, ЎЗБЕКИСТОН ССР ОЛИЙ СОВЕТИ ВА МИНИСТРЛАР СОВЕТИНИНГ ОРГАНИ

«КИЗИЛ УЗБЕКИСТАН» — ОРГАН ЦЕНТРАЛЬНОГО КОМИТЕТА КОМПАРТИИ УЗБЕКИСТАНА, ВЕРХОВНОГО СОВЕТА И СОВЕТА МИНИСТРОВ УЗБЕКСКОЙ ССР.

43-йил чиқиши
№ 158 (11.907)

Шанба, 8 июль 1961 йил.

Баҳоси 2 тийин.

КАТТА КРЕМЛЬ САРОЙИДА КХДР ПАРТИЯ-ҲУКУМАТ ДЕЛЕГАЦИЯСИ ШАРАФИГА ҚАБУЛ МАРОСИМИ

КПСС Марказий Комитети ва СССР Министрлар Совети 6 июлда Катта Кремль саройида Корея Меҳнат партияси Марказий Комитети Раиси, Корея Халқ Демократик Республикаси Министрлар Кабинетининг Раиси ўртоқ Ким Ир Сен бошчилигидаги Корея Халқ Демократик Республикаси партия-ҳукумат делегацияси шарафига қабул маросими ўтказдилар.

Қабул маросимида ўртоқ Ким Ир Сен билан биргаликда Корея Меҳнат партияси Марказий Комитети Президиумининг аъзоси, Корея Меҳнат партияси Марказий Комитети Раисининг ўринбосари Ким Чан Ман, Корея Меҳнат партияси Марказий Комитети Президиумининг аъзоси, Корея Халқ Демократик Республикаси Министрлар Кабинети Раисининг ўринбосари ва Миллий мудофаа министри Ким Кван Хеб, Корея Меҳнат партияси Президиуми аъзолигига кандидат, Корея Халқ Демократик Республикаси Министрлар Кабинети Раисининг ўринбосари, Оғир саноат комитетининг раиси Ли Ден Ок, Корея Меҳнат партияси Марказий Комитетининг аъзоси, Корея Халқ Демократик Республикаси Ташқи ишлар министри Пак Сен Чер ва бошқалар ҳозир бўлдилар.

Қабул маросимида Совет томонидан КПСС Марказий Комитетининг Биринчи секретари, СССР Министрлар Советининг Раиси ўртоқ Н. С. Хрушчев, Л. И. Брежнев, Ф. Р. Козлов, А. И. Микоян, Н. А. Муҳитдинов, Е. А. Фурцева, Г. И. Воронов ўртоқлар, СССР Олий Совети Президиумы Раисининг ўринбосари Ё. С. Насриддинова ва бошқалар ҳозир бўлдилар.

Ўз ватанига қайта туриб, Москвада тўхтаган Хитой Халқ Республикаси Давлат кенгаши Бош министрининг ўринбосари ва Ташқи ишлар министри Чэнь И ҳам қабул маросимида ҳозир бўлди.

Қорея самимият ва қардошлик вазиятида ўтган қабул маросимида Н. С. Хрушчев ва Ким Ир Сен ўртоқлар дўстона қадаҳ кўтардилар. Корея Халқ Демократик Республикаси ва Совет Иттифоқининг давлат гимнлари ижро этилди. (ТАСС).

КПСС XXII СЪЕЗДИ ШАРАФИГА

Урганч шаҳрида йирик панелли уй қуриш комбинати барпо этилмоқда. СУРАТДА: старший прораб Амин ДАВЛЕТОВ ишлаб чиқариш биноси корпусини қуриш олдидан теодалит ёрдамида текшириш ишларини ўтказяпти.

И. Глауберзон фотоси.

ЙИЛЛИК ПЛАН СЪЕЗДГАЧА

МАРҒИЛОН («Қизил Ўзбекистон» мухбири). Шаҳар саноати корхоналарида съезд олди социалистик мусобақаси тобора авж олмоқда. Мусобақада Марғилон машина-экскаватор станцияси олдинда бораяпти. Станция коллективи олти ойда ётти ойлик планни бажарди.

Машина-экскаватор станцияси коллективи мажбуриятини қайта кўриб чиқди: йиллик планни КПСС XXII съезди очилиши кунигача тўла бажариш, пландан ташқари 600 минг кубометр ер қазиш ишларини ало этишга қарор қилинди.

Бинокорлик материаллари кўпаяди

Йилига 70.000 кубометр бинокорлик материаллари! Бунчалик катта ҳажмдаги қурилиш материалларини ишлаб чиқариш учун кучли техника, механизмлар, такомиллашган технология бўлиши керак.

Оҳангарон районида марказида жадал суръатлар билан барпо этилаётган темир-бетон конструкциялари заводи ана шундай замонавий механизм ва ускуналар билан жиҳозланади. Натижада бу корхона катта Оҳангарон қурилишларининг эмас, республикадаги бошқа кўпгина қурилишларни ҳам темир-бетон конструкциялар билан таъминлайдиган бўлади.

«Алмалиқсвинецстрой» трестининг 3-қурилиш участкаси коллективи жонажон Коммунистик партиямизнинг навбатдаги съезди шарафига социалистик мусобақани қизитиб, темир-бетон конструкцияларини заводи пойдеворини муддатидан илгари қуриб битказди. Бош корпус учун устунлар ўрнатилди. Тайёр маҳсулот сақланадиган склад, арматура тайёрлаш, компрессор хоналари тез суръатлар билан қад кўтараётир. Қурувчилар темир-бетон конструкциялари заводи қурилишини жадал усулда ташкил этиб, яхши натижаларга эришяптилар.

Бу корхона Бутуниттифоқ комсомол зарбдор қурилишига айланган Оҳангарон цемент заводи тайёрлаб чиқарган маҳсулот билан ишлайди. Цемент заводининг биринчи навбати маҳсулот ишлаб чиқариши билан темир-бетон конструкциялари заводи ҳам ишга тушади—қурилишлар учун зарур материаллар тайёрлаб бера бошлайди.

Ж. ХОЛҚОСИМОВ.

КАДРЛАРНИ РОСТГЎЙИЛИК РУҲИДА ТАРБИЯЛАЙЛИК

БЕПОЁН мамлакатимизда шонли Коммунистик партиямизнинг XXII съездига зўр тайёргарлик кўрилмоқда. Жонажон партиямиздан, унинг доно ленинча сиёсатидан битмас-туганмас куч ва илҳом олаётган мамлакатимиз меҳнаткашлари зўр ғайрат ва юксак ижодий кўтарилиш билан меҳнат қилиб, КПСС XXII съездига муносиб совға тайёрламоқдалар.

Бутун мамлакатда съезд олди социалистик мусобақаси кенг авж олиб кетган, халқимизнинг сиёсий активлиги ва меҳнат ғайрати мисли-сиз ошган ҳозирги пайтда партия ва давлатимизнинг олтин фонди—кадрларни ростгўйлик ва принципиаллик руҳида тарбиялаш, топширилган иш учун уларнинг шахсий жавобгарлигини ошириш ғоят муҳим аҳамият касб этади.

Совет Иттифоқи Коммунистик партияси барча кадрларимизни партия, ҳукумат қарорларининг моҳиятини яхши англаб, бу қарорларни ҳалол ва виждонан амалга оширишга руҳида, партия ва давлат интизомига қаттиқ риоя қилиш ва топширилган иш учун жавобгарликни чуқур ҳис этиш руҳида тарбияламоқда. Шунинг учун ҳам бизнинг кадрларимиз, партия ва совет аппаратининг барча ходимлари амалий ишда, партия томонидан қўйилган вазифаларни бажариш учун курашда ўсмоқдалар ва чиниқмоқдалар, ўзларининг катта ва кичик ишларида партия ва халқ манфаатларига содиқ бўлиб хизмат қилмоқдалар. Улар партия ва ҳукумат директивларини амалга оширишни ўзларининг юксак партиявий бурчлари, халқ ишига, коммунизм ишига садоқат билан хизмат қилишни ўз фаолиятларининг асл маъноси деб билмоқдалар.

Партия ташкилотларининг жуда катта ташкилотчилик ва сиёсий-тарбиявий ишлари натижасида республикамизда хўжалик ва маданий қурилишга моҳирлик билан раҳбарлик қилаётган, зарур назарий ва иқтисодий билимларга эга бўлган принципиал ва софдил партия, совет ҳамда хўжалик ходимларининг жуда катта отряди камол топди. Уларнинг асосий кўпчилиги топширилган иш учун жавобгарликни ҳис қилиш, омма билан алоқани мустаҳкамлаш, интизомли, ростгўй ва камчиликларга нисбатан мурosасиз бўлиш сингари қимматли хислатларга эгадирлар. Бундай кадрлар ўз зиммаларига юклатилган вазифаларни мувaффақият билан бажармоқдалар.

Совет Иттифоқи Коммунистик партиясининг шонли тарихида ғоят муҳим ўрин тутган КПСС Марказий Комитетининг январь Пленуми кишлоқ хўжалигини янада ривожлантиришнинг программасини белгилаб берди ва ишда юз берган жиддий камчиликларни очиб ташлади, кадрларни партия ва халқ олдида виждонли ва ростгўй бўлиш руҳида топширилган иш учун юксак масъулият ҳис қилиш руҳида тарбиялаш юзасидан муҳим тадбирлар белгилади.

«Шундай раҳбарлар ҳам борки, — дейилади Пленум қарорида, — улар ўзларининг фаолиятсизликларини никоблашга ва бутун иш яхши боряпти, деб кўрсатишга интилиб, давлатни алдашдан иборат жиноий йўлга тушмоқдалар, кўзбўямачиликка, қилинмаган ишни қилинди, деб кўрсатишга ва давлатга қарши бошқа харакатлар қилишга йўл қўймоқдалар. Булар сиёсий ташкилотчилар эмас, балки амалпарастлардир, партияни алдаётган кишилардир, улар партияга иснод келтирадилар, уларни партиядан ўчириш ва судга бериш керак».

Республикамиз партия ташкилотлари КПСС Марказий Комитетининг бу кўрсатмасига амал қилиб, партия ва ҳукумат қарорларига расмиятчилик ва масъулиятсизлик билан қарайдиган, ўз манфаатини давлат ва халқ манфаатларидан юқори қўядиган, ишда активлик кўрсатмайдиган, бепарво кишиларга қарши шафқатсиз кураш олиб бормоқдалар.

Сурхондарё область Шаҳрисабз районида кадрлар билан ишлашда, кишлоқ хўжалигига раҳбарлик қилишда жиддий камчиликлар ва хатоларга йўл қўйилди. Бу районда КПСС Марказий Комитети январь Пленумидан кейин ҳам танқид ва ўз-ўзини танқид авж олдирилмаган, кадрлар камчиликларга нисбатан мурosасиз бўлиш руҳида яхши тарбияланмаган. Меҳнаткашларнинг сигналларига кулоқ солинмаган. Район партия комитетининг собиқ биринчи секретари Олим Жўраев тўралашиб кетган, оммадан, активдан ажралиб қолган, ўз атрофига лаганбардор, хушомадгўйларни тўплаб, мансабидан шахсий манфаати йўлида фойдаланган, калбаки ҳужжатлар тузиш йўли билан партия ва давлатни алдаган, кўзбўямачилик қилган, коллектив раҳбарлик принципини бузган. Район партия комитетининг бюро аъзолари, биринчи навбатда райкомнинг иккинчи секретари Ҳақбердиев, район ижроия комитетининг раиси Хўжаев ўртоқлар биринчи секретарь билан алоқани бузиб қўймаслик учун принципсизлик, раҳбарга хос бўлмаган қатъиятсизлик кўрсатганлар. Олим Жўраевнинг камчиликларини танқид қилишга журъат қилолмай, ҳамма нарса билан лом-мим демай келиша берганлар. Сурхондарё область партия комитетининг пленуми юқорида таъкидлаб ўтилган жиноий ишларга йўл қўйгани учун Олим Жўраевни область партия комитети аъзолигидан чиқарди ва КПСС сафидан ўчирди.

Самарқанд область ижроия комитетининг раиси Азимов, Самарқанд шаҳар партия комитетининг биринчи секретари Розиқов, Янгабог район ижроия комитетининг раиси Бозоров ва Тошкент область ижроия комитети коммунал хўжалик бошқармасининг бошлиги Отабеков ўртоқлар ҳам партияни алдаганликлари, шахсий бойлик орттириш йўлига тушиб олганликлари ва коммунистик аҳлоқни йўқотиб қўйганликлари учун қатъий партиявий жавобгарликка тортилдилар ва вазифаларидан бўшатилдилар.

Партия ўзининг барча аъзоларидан раҳбар кадрлардан ҳамиша ростгўй, софдил, камтар ва принципиал бўлишни, ўзларининг партия ва давлат олдидаги бурчларини садоқат билан ҳалол ва виждонан бажаришни, ҳақиқатни ҳеч қачон бўяб кўрсатмасликни талаб қилади. Партияга ўз ҳузурҳаловатининг кўзловчи дақки ва амалпарастлар керак эмас, балки партия ва ҳукумат директивларини бажариш учун ҳормай-толмай курашадиган, давлат манфаатларини ҳамма нарсадан юқори қўйиб, азиз ва покиза тутадиган фидокор жангчилар, коммунизмнинг толмас ва саботли курашчилари керак.

«Ҳозир партия ўсиб кетди, — деди ўртоқ Н. С. Хрушчев КПСС Марказий Комитетининг январь Пленумида сўзлаган нутқида. — **Партия кучли. Одамлар ўсиб кетди. Шу сабабли, шарманда-си чиққан, лозим бўлган даражада ишлашга, янгиликни кўришга, миллион-миллион янги одамларни тарбиялаш ва кўтаришга лаёқатли бўлмаган ёки шундай қилишни истамаётган ходимларни дадиллик билан алмаштира бериш керак. Чинакам раҳбарлар ўз қобилиятларини кўрсатадилар, партия қўйган улуғ вазифаларни амалга оширишга колхозчиларни, совхозларнинг ишчиларини сафарбар қила оладилар».**

Оммaнинг жанговар ташкилотчиси ва етакчиси бўлиш, ҳар бир ишда самарали натижаларга эришиш учун жон куйдириб ғайрат ваташаббус билан меҳнат қилиш, иш натижаларига танқидий кўз билан, камчиликларга мурosасизлик билан қараш — раҳбар кадрларимизнинг ҳусусиятидир.

Область, шаҳар ва район партия комитетлари кадрларни бундан бўён ҳам ҳалоллик, камтарлик, топширилган ишга сидқидил қараш, партия ва давлат интизомига қатъий риоя қилиш руҳида, интернационализм ва дўстлик руҳида тарбияланишлари керак. Кадрларда давлат планларининг ва социалистик мажбуриятларнинг сўзсиз бажарилиши учун юксак жавобгарлик туйғуларини кучайтириш лозим. Шу билан бирга айрим ходимлар томонидан бўладиган кибрланиб кетиш, давлатни алдаш ҳолларига, тезкор даромад тўплаш, шахсий бойлик орттириш каби интилишларга, гийбатчилик, группабозлик, орабузувчилик, бир кишини иккинчи кишига қарамақарши қилиб қўйиш сингари ёт-мишнинг шармандали сарқитларига қарши шафқатсиз кураш олиб бориш зарур.

Бундай ходимлар жуда озчиликни ташкил қилсалар ҳам, лекин улар коллективимиздаги соғлом базисни заҳарлайдилар, умумий ишимизга зарар етказадилар. Ўзларига топширилган ишни эплай олмайдиган, кўп гапириб, оз ишлайдиган, сўзининг удласидан чиқолмайдиган мактанчоқ, маҳмадона ва бебурд ходимларнинг ҳатти-ҳаракатларини қатъий қоралаш керак.

Кадрларни марксча-ленинча руҳда тарбиялаш ва сиёсий жиҳатдан чиниктириш, ҳар бир ходимнинг характерини, ижобий ва салбий томонларини чуқур ўрганиб, уларда энг яхши фазилатларни сингдира бориш, барча ходимларни ҳал қилинмаган янги вазифаларни бажаришга сафарбар этиш — коммунистик қурилишда янгидан-янги мураккаб вазифаларга эришувимизнинг гаровидир.

ЎРТОҚ ЧЭНЬ И БИЛАН ДЎСТОНА УЧРАШУВ

Совет Социалистик Республикалари Иттифоқи ҳукумати Женевадан ватанига қайта ўтиб, Москвада меҳмон бўлиб турган Хитой Халқ Республикаси Давлат кенгаши бош министрининг ўринбосари, ташқи ишлар министри ўртоқ Чэнь И шарафига 5 июлда Кремлда зиёфат берди.

Совет томонидан зиёфатда КПСС Марказий Комитетининг Биринчи секретари, СССР Министрлар Советининг Раиси ўртоқ Н. С. Хрушчев, Ф. Р. Козлов, А. Н. Косигин, А. И. Микоян ўртоқлар, СССР Ташқи ишлар министри А. А. Громико ва бошқа расмий кишилар ҳозир бўлдилар.

Зиёфатдан кейин бўлган сухбат дўстона, самимий вазиятда ўтди.

Совет Социалистик Республикалари Иттифоқи билан Корея Халқ Демократик Республикаси ўртасида дўстлик, ҳамкорлик ва ўзаро ёрдам тўғрисида

ШАРТНОМА

Совет Социалистик Республикалари Иттифоқи Олий Совети Президиуми ва Корея Халқ Демократик Республикаси Олий Халқ Мажлиси Президиуми,

Совет Иттифоқи билан Корея Халқ Демократик Республикаси ўртасида социалистик интернационализм принципига асосланган дўстона муносабатларни ривожлантириш ва мустаҳкамлашга интилиб,

Бирлашган Миллатлар Ташкилотининг мақсадлари ва принципларига мувофиқ суратда Узоқ Шарқда ва бутун дунёда тинчлик ҳамда хавфсизликни сақлаш ва мустаҳкамлашга ёрдам беришни истаб,

Аҳдлашувчи Томонлардан бирига бирор давлат ёки давлатлар коалицияси қуролли ҳужум қилган тақдирда бир-бирига ёрдам бериш ва бир-бирини қўллаб-қувватлашга қатъий қарор бериб,

Совет Иттифоқи билан Корея Халқ Демократик Республикаси ўртасида дўстлик, яхши қўшничилик ва ҳамкорликнинг мустаҳкамланиши ҳар иккала давлат халқларининг ҳаётий манфаатларига мувофиқ эканлигига ва уларнинг экономикаси ҳамда маданиятини янада ривожлантириш учун жуда яхши ёрдам беражагига ишониб,

шу мақсадда ушбу Шартномани тузишга қарор қилдилар ва:

Совет Социалистик Республикалари Иттифоқи Олий Совети Президиуми СССР Министрлар Советининг Раиси Никита Сергеевич Хрушчевни.

Корея Халқ Демократик Республикаси Олий Халқ мажлисининг Президиуми Корея Халқ Демократик Республикаси Министрлар Кабинетининг Раиси Ким Ир Сенни ўз вакиллари қилиб тайинладилар.

Ваколатли ҳар Иккала Вакил тегишли формада ва тартиб-қоидага тамомила мувофиқ деб топилган ўз ваколатларини айирбошлаганларидан кейин, қуйидагилар тўғрисида бир битимга келдилар:

1 МОДДА

Аҳдлашувчи Томонлар шуни қайд қиладиларки, улар Узоқ Шарқда ва бутун дунёда тинчлик ҳамда хавфсизликни таъминлаш мақсадини кўзда тутган барча ҳалқаро тадбирларда бундан буён ҳам қатнашадилар ва ана шу юксак вазифаларни амалга ошириш ишига ўз хиссаларини қўшадилар.

Аҳдлашувчи Томонларнинг бири бирор давлат ёки давлатлар коалициясининг қуролли ҳужумига дучор бўлиб, шу тариқа уруш ҳолатида бўлиб қолган тақдирда, Аҳдлашувчи иккинчи Томон ўз ихтиёридаги мавжуд барча воситалар билан дарҳол ҳарбий ва бошқа хилдаги ёрдам кўрсатади.

Совет Социалистик Республикалари Иттифоқи Олий Совети Президиумининг ваколати билан

Н. ХРУШЧЕВ

2 МОДДА

Аҳдлашувчи Томонларнинг ҳар бири Аҳдлашувчи иккинчи Томонга қарши қаратилган ҳеч қандай иттифоқ тузмаслик ва ҳеч қандай коалицияларда қатнашмаслик, шунингдек Аҳдлашувчи иккинчи томонга қарши қаратилган ҳаракат ёки тадбирларда қатнашмаслик мажбуриятини олади.

3 МОДДА

Аҳдлашувчи Томонлар тинчлик ва умумий хавфсизликни мустаҳкамлашга ёрдам бериш йўлидаги интилишга амал қилиб, ҳар иккала давлатнинг манфаатларига тааллуқли бўлган барча муҳим халқаро масалалар юзасидан бир-бирлари билан маслаҳатлашиб турадилар.

4 МОДДА

Аҳдлашувчи ҳар иккала Томон тенг ҳуқуқлилик, шунингдек давлат суверенитетини, территориал бутунликни ўзаро ҳурмат қилиш ва бир-бирларининг ички ишларига аралашмаслик принципларига мувофиқ суратда дўстлик ва ҳамкорлик руҳида Совет Социалистик Республикалари Иттифоқи билан Корея Халқ Демократик Республикаси ўртасида иқтисодий ва маданий алоқаларни ривожлантириш ҳамда мустаҳкамлаш, бир-бирларига мумкин бўлган ҳар қандай ёрдамни кўрсатиш туриш ва экономика ҳамда маданият соҳасида зарур ҳамкорликни амалга ошириш мажбуриятини оладилар.

5 МОДДА

Аҳдлашувчи ҳар иккала Томон Корея тинч ва демократик асосда бирлаштирилиши лозим ва Кореянинг шу тарзда бирлаштирилиши корейс халқининг миллий манфаатларига ҳам Узоқ Шарқда тинчликни сақлаш ишига ҳам мунosиб бўлади, деб ҳисоблайдилар.

6 МОДДА

Шартнома ратификация ёрликлари айирбошланган кундан бошлаб кучга киради. Ратификация ёрликлари Пхеньян шаҳрида айирбош қилинади.

Шартнома 10 йил мобайнида ўз кучини сақлайди. Аҳдлашувчи Томонларнинг бири ана шу муддат тугашидан бир йил олдин шартномани бекор қилишни истаганлигини билдирмаган тақдирда, шартнома шундан кейинги 5 йил мобайнида ўз кучини сақлаб колади ва ана шу кондага мувофиқ, бу муддат узайтирила берилади.

Шартнома 1961 йил 6 июлда Москва шаҳрида ҳар бири рус ва корейс тилларида икки нусхада тузилди. Ҳар иккала текст бир хил кучга эгадир.

Корея Халқ Демократик Республикаси Олий Халқ Мажлиси Президиумининг ваколати билан

КИМ ИР СЕН

ҚАРДОШЛАРЧА ДЎСТЛИГИМИЗ АБАДИЙ ЯШАЙДИ!

КАТТА КРЕМЛЬ САРОЙИДА МИТИНГ

6 июлда Москвада Совет Иттифоқи ва Корея Халқ Демократик Республикаси халқлари ўртасидаги дўстлик митинги бўлиб ўтди.

Кремль саройи, Москва ва Москва области вакилларидан икки мингдан ортиқ киши СССР Олий Советининг мажлислар залига тўпланди. Ишлаб чиқариш илғорлари колхоз далаларининг донгдор меҳнаткашлари, қурувчилар, олимлар, ёзувчилар, Совет Армиясининг генераллари ва офицерлари, Совет-Корея дўстлиги жамиятининг аъзолари бу ерга келдилар.

Залда гулдурос қарсаклар янграйди. Корея Халқ Демократик Республикаси партия-ҳукумат делегациясининг боши, Корея Меҳнат партияси Марказий Комитетининг Раиси, Министрлар Кабинетининг Раиси ўртоқ Ким Ир Сен, КПСС Марказий Комитетининг Биринчи Секретари, СССР Министрлар Советининг Раиси ўртоқ Н. С. Хрушчев, Л. И. Брежнев, Ф. Р. Козлов, А. Н. Косигин, А. И. Микоян Н. А. Муҳитдинов, Е. А. Фурцева, Г. И. Воронов ўртоқлар, Корея Халқ Демократик Республикаси партия-ҳукумат делегациясининг аъзолари президиумга чиқадилар.

КПСС Москва шаҳар комитетининг биринчи секретари П. Н. Демичев митингни очади. У, қардош Корея делегацияси Совет Иттифоқига келиши натижасида СССР билан Корея Халқ Демократик Республикаси ўртасидаги дўстлик ва қардошлик янада кўпроқ мустаҳкамланади ва юксалади, дейди.

Раислик қилувчи Совет-Корея дўстлиги жамияти правлениеси раисининг ўринбосари, архитектор В. Н. Симбирцевга сўз беради. У, азиз меҳмонларни — ўртоқ Ким Ир Сен бошлиқ Корея Халқ Демократик Республикаси партия-ҳукумат делегациясининг аъзоларини табриклайди. Бизнинг дўстлигимиз, дейди В. Н. Симбирцев, йилдан-йилга ўсмоқда ва мустаҳкамланмоқда. Буни Совет-Корея ҳамда Корея-Совет дўстлиги жамиятларининг ўртасидаги қардошлик алоқаларининг мустаҳкамланаётганлиги мисолида яққол кўриш мумкин.

(Охири тўртинчи бетда)

ОЛИЙ МАКТАБ ХОДИМЛАРИНИНГ БУТУНИТТИФОҚ КЕНГАШИДА

МОСКВА, 6 июль. (ТАСС). Москвада олий мактаб ходимларининг кенгаши уч кундан буён давом этмоқда.

Кенгаш қатнашчилари бугун секцияларга бўлиниб, техника, университет таълими ва гуманитар, қишлоқ хўжалиги, педагогика, медицина, бадиий таълим масалаларини батафсил муҳокама қилдилар.

Москва энергетика институтида техника таълими секциясининг мажлисида совет олий ўқув юртлари ва техника тараққиёти масалалари асосий ўринни олди.

Челябинск политехника институтининг ректори А. Я. Сичев институтнинг 15 минг кишилик коллективи номидан гапирди. Унинг олий ўқув юртларидаги экономика кафедраларини мустаҳкамлаш тўғрисидаги, техника институтларида экономика курсини албатта жорий қилиш ҳақидаги таклифлари маъқулланди. Москвадаги Менделеев номли кимё-технология институтининг ректори. СССР Фанлар академиясининг корреспондент аъзоси Н. М. Жаворонков инженерлик олий ўқув юртларининг практика билан алоқасини мустаҳкамлаш учун илмий ишларни олий ўқув юртлари билан уларга яқин турган илмий тадқиқот муассасалари ўртасидаги илмий ишларни мувофиқлаштириб олиб бориш зарур, деб ҳисоблайди. Менделеев номли институтда ана шу алоқаларни йўлга қўйиш асосида яқинда ўтга чидамли шишалар проблемаси билан шуғулланувчи лаборатория ташкил этилди. Бу лаборатория янги материалларни қурилишда ва саноатда қўлланиш соҳасида кўп иш қилди.

Техника таълими секциясининг мажлисида Киев политехника институтининг ректори А. С. Плигунов, Тошкент тўқимачилик институтининг ректори М. А. Хожинова, Москва энергетика институтининг ректори М. Г. Чиликин, Москва кончилик институтининг профессори И. М. Воронков ва бошқа олий ўқув юртларининг вакиллари сўзга чиқдилар.

Университет ва гуманитар таълими масалалари билан шуғулланувчи секция Ленинские Горидаги Москва университетида ўз мажлисини ўтказди.

Секциянинг мажлисида Москва инженерлик-экономика институтининг ректори О. В. Козлова ва Иркутск молия-иқтисод институтининг ректори В. Н. Должних олий мактаб олдида турган актуал проблема тўғрисида, иқтисодий таълимни яхшилаш ҳақида гапирдилар.

Бир қанча нотиқлар СССР Олий ва ўрта махсус таълим министрлигининг ишидаги камчиликларни жиддий танқид қилдилар. Улар илмий кадрлар тайёрлаш системаси, кечки ва сиртқи таълимнинг баъзи проблемалари, олий ўқув юртлари шохобчаларини мамлакатнинг айрим иқтисодий районлари бўйича жойлаштириш масалаларига ва шу каби бошқа масалаларга тўхталиб ўтдилар.

Москвадаги К. А. Тимирязев номли Қишлоқ хўжалик академиясида қишлоқ хўжалик секцияси иш олиб борди.

Украина қишлоқ хўжалик министрининг ўринбосари В. Ф. Пересипкин қишлоқ хўжалиги учун юқори малакали мутахассислар тайёрлаш соҳасидаги тажрибалар ҳақида гапирди. Украина қишлоқ хўжалик институтларида ҳар уч студентнинг бири колхоз ёки совхоздан стипендия олиб турибди.

СССР Соғлиқни сақлаш министрлигининг конференц-залида ўтказилган медицина таълими секциясининг мажлиси кўп кишини жалб этди. Секция мажлисида врачлар тайёрлаш сифатини белгилайдиган масалалар санъат олий ўқув юртлари секциясининг Москва консерваториясида тўпланган қатнашчиларининг диққат марказида турди. Бу секция мажлисида сўзга чиққан кишиларнинг кўпчилиги мактабнинг турмуш билан боғланишини мустаҳкамлаш тўғрисидаги қонунни амалга ошириш соҳасида катта муваффақиятлар қўлга киритилганлигини таъкидлади.

Москвадаги Ленин номли педагогика институтида педагогика таълими секцияси иш олиб борди. Секция қатнашчилари илмий тадқиқот ишлари сифатини яхшилаш, бир қанча педагогика фанлари бўйича ўқув планлари ва программаларини тартибга солиш зарурлиги тўғрисида, олий ўқув юртларида интернат-мактаблар учун ва ишлаб чиқариш таълими жорий қилинган механат-политехника мактаблари учун ўқитувчилар ва тарбиячиларни кўпроқ тайёрлаш ҳақида гапирдилар.

МОСКВА, 7 июль (ТАСС). Катта Кремль саройида олий мактаб ходимларининг Бутуниттифоқ кенгаши ўз ишини давом эттирмоқда. Секциялар бир кун иш олиб борганидан кейин бугун охирги ялпи мажлис бўлди.

СССР Фанлар академиясининг вице-президенти академик А. В. Топчиев биринчи бўлиб сўзга чиқди. У фан ходимлари кадрларини тайёрлаш соҳасида Академия ходимлари ўзи қилаётган ишда катта масъулият тўғрисида гапирди. Фанлар академиясининг олий мактаб профессор-ўқитувчи кадрлари билан мустаҳкам алоқаси традиция бўлиб қолди. Ҳозир бу алоқа яна ҳам мустаҳкамроқ бўлиб бормоқда. Турли институтларнинг ва республика Фанлар академияларининг илмий ходимлари СССР Фанлар академиясида стажировкадан ўтмоқдалар. Олий мактабларнинг ходимларини фаннинг энг сўнгги ютуқлари билан таништиradиган доимий курслар ҳам ташкил қилиш зарур. Ўқув қўлланмалари яратишда активроқ қатнашиш лозим. Бу соҳадаги ишларни олий ўқув юртларининг коллективлари билан мувофиқлаштириб олиб бориш керак.

Литва Компартияси Марказий Комитетининг секретари В. Ю. Нюнка ўз нутқини олий ўқув юртларида илмий ишларни активлаштириш вазифаларига бағишлайди. У олий ўқув юртлари составида илмий-тадқиқот институтларини ташкил қилиш ишига дадил киришиш кераклиги тўғрисида гапирди. Нотиқ олий ўқув юртларида айрим илмий мактабларни ривожлантириш ишига бутун чоралар билан ёрдам бериш зарур, деб ҳисоблайди. Бу мактаблар олий ўқув юртларида фаннинг турли соҳаларида иш кўрувчи йирик вакиллар теварагида ташкил қилинади.

Москва давлат университетининг ректори академик И. Г. Петровский ўз нутқида мактабни қайта қуриш тўғрисидаги Қонуннинг амалга оширилиши муносабати билан Москва университети ҳаётида рўй берган ўзгаришлар тўғрисида гапирди. Университетга киpаётган студентларнинг қарийб 70 процентини ишлаб чиқариш стажига эга. Москва университети ўзининг кундалик фаолиятида 32 халқ хўжалик кенгаши билан боғланган. Дубнадаги ядро тадқиқотлари бирлашган институти ҳузурида университет физика факультетининг филиали очилди. Бу ерда студентлар энг янги машина-ускуналардан фойдаланадилар.

Вьетнам Демократик Республикаси маориф министри Нгуен Ван Хуэн кенгаш қатнашчиларига қарата табрик сўзлари билан мурожаат қилди. Кенгаш қатнашчилари уни самимий қутиб олдилар.

Бугун музокараларда Грузия ССР Министрлар Совети Олий ва ўрта махсус таълим комитетининг раиси Н. Е. Чахкария, Куйбишев Халқ хўжалиги кенгашининг раиси В. И. Смирнов, Бутуниттифоқ энергетика сиртқи институтининг ректори Н. С. Курбатова, Патрис Лумумба номли Халқлар дўстлиги университетининг ректори С. В. Румянцевлар ҳам сўзга чиқдилар.

Кенгаш қатнашчиларини Мўғулистон Халқ-революцион партияси Марказий Комитетининг бўлим мудири Пунцагнаров табриклади.

Шу билан докладни муҳокама қилиш тугади. Кенгаш қатнашчилари СССР даги олий ўқув юртларининг профессорлари, ўқитувчилари, аспирантлари, студентлари, ишчи ва хизматчиларига қарата мурожаат қабул қиладилар.

Ғоят баланд руҳ билан Совет Иттифоқи Коммунистик партияси Марказий Комитети ва СССР Министрлар Советига хат қабул қилинди.

Шу билан олий мактаб ходимларининг Бутуниттифоқ кенгаши ёпиқ деб эълон қилинади.

МУНОСИБ СОВҒАЛАР

Қумқўрғон гидроэлектростанцияси Сурхондарё областининг йирик энергетика базаси ҳисобланади. Бу гидроэлектростанция областнинг Шўрчи ва Жарқўрғон районларига электр қуввати беради.

ГЭС коллективи КПССнинг XXII ва Ўзбекистон Компартиясининг XVI съездлари шарафига меҳнат вахтасида туриб ишлаб, ойлик топшириқларини ошиғи билан адо этмоқда.

Машина-ускуналардан унумли фойдаланиш натижасида электр қувватининг таннархи пландагига нисбатан 1,3 процент камайтирилди.

Гидроэлектростанциянинг аҳил коллективи электр қувватини ишлаб чиқариш 10 ойлик планини партия съезди очиладиган кунгача бажариш учун астойдил курашмоқда.

Ш. СИДДИҚОВ.

Бу расмда КПСС XXII съезди шарафига бошланган социалистик мусобақада катта ғалабаларни қўлга киритаётган нурчиларни кўриб турибсиз. Бу азаматлар Тахиатош ГРЭСи қурилишида ғайрат билан ишламоқдалар. СУРАТДА: изолировкачилар бригадасининг меҳнатсевар аъзолари (чапдан ўнгга) Танатар ЖУМАНАЗАРОВ, Зинаида ЖУПИНА, Татьяна ТАРАНУХА, Фаина ГАЛИКЕЕВА ўртоқлар.

И. Глауберзон фотоси.

ИНСОНГА ҲУРМАТ— БИРИНЧИ МАСАЛА

(МУХБИРЛАР ХАТИДАН)

Мамлакатимизда ҳамма нарса инсон ва унинг бахт-саодати йўлида хизмат этмоқда. Қизғин меҳнат билан банд бўлган меҳнаткашларнинг кўнгилдагидек ҳордиқ чиқаришлари учун барча шароитлар яратиб берилган. Соя-салқин боғлар, кинотеатрлар, клуб ва маданият саройлари меҳнаткашлар хизматида.

Чирчиқлик ишчи мухбир Т. Ўринов «Октябрь Х йиллиги» дам олиш уйида меҳнаткашларнинг мароқли дам олишаётганлигини ёзади. Бу ерда дам олаётганлардан кекса матбаачи Ю. Зиёмуҳамедов, самарқандлик пенсионер Н. Толипов, ишчи А. Султонов, хизматчи Я. Ҳамдамов ва бошқалар мухбирга жуда мазмунли дам олишаётганликларини, дам олиш уйи коллективи (директори К. Содиқов, бош врач А. Абдумўминов) дам олувчиларга сидқидиллик билан хизмат қилишаётганини айтишган.

Фарғоналик хизматчи З. Ботиров ҳам ўз оиласи билан Тошкентдаги «Ўқитувчи» дам олиш уйида яхши дам олганлиги ҳақида ёзиб, дам олиш уйининг ходимларига миннатдорчилик билдиради.

Редакциямизга «Чортоқ» курортида даволанаётган З. Шариповдан хат келди. Лекин бу хатнинг мазмуни юқоридагилардан фарқ қилади:

— Иттифоқимизга донги кетган «Чортоқ» курорти шу кунларда жуда ёмон аҳволга тушиб қолди, — деб ёзади хат автори. — Бу ерда даволанаётганлар ранжитиляпти. Даволовчи врачлар беморларнинг ҳолидан тез-тез хабар олиб турмайдилар. Бериладиган овқат сифатсиз ва пағҳезга тўғри келмайди.

Меҳнаткашларнинг маданий дам олишларини таъминлаш ва маънавий эҳтиёжларини қондириш — муҳим вазифа. Лекин бу масалага иккинчи даражали иш деб қарайдиган баъзи колхоз, совхоз ва бошқа ташкилотларнинг раҳбарлари ҳам йўқ эмас. Улар бутун диққат-эътиборни хўжалик масалаларига қаратиб, кишиларнинг маданий дам олишлари зарур эканлигини унутиб қўядилар. Редакциямизга келаётган айрим хатлар шу ҳақда ёзилган.

— Дала ишлари қизғин давом этаётган ҳозирги кунларда колхозчиларнинг яхши дам олишларини уюштириш муҳим масаладир, — деб ёзади мухбир Н. Эшқобилов. — Аммо Бўка районидаги Охунбоев номли колхозда аҳвол ёмон. Колхоз дала шийпонлари жиҳозланмаган, баъзилари ремонт қилинмаган. Далада лекция ва суҳбатлар ўтказилмайди. Колхозчиларга кинофильмлар тез-тез кўрсатилмайди. Колхозда талантли ёшлар кўп бўлса ҳам, шу пайтгача ҳаваскорлик тўгараги йўқ. Бу камчиликларнинг боиси колхоз раиси П. Ҳожиматов, партия ташкилотининг секретари М. Мусулмонов ўртоқларнинг колхозчиларга маданий-маиший хизмат кўрсатиш ишига совуққонлик билан қарашларидадир.

Бухоро область, Коғон райончидаги «Қорақуш» наслчилик совхозининг кутубхонаси ишида тартиб йўқ. Кутубхоначи С. Абдуолова кутубхонани хўжа кўрсинга очиб ўтиради. Самарқанд область, Норпой районидаги Сталин номли колхоз раидоузеди бир неча одам бери яхши ишламаётир. Радиотехник Ш. Хўжамуродов эса бундан парвойи-палак. Андижоидаги Охунбоев номли колхоз клубида ҳар куни кино кўйилади-ю, колхоз раҳбарлари дала шийпонларида тунаб ишлаётган колхозчилар ҳам кино кўришиб, ҳордиқ чиқаришсин, дейишмайди. Гулистон районидаги «Гулистон» совхозида ҳам маданий хизмат ёмон аҳволда. Бу ҳақда газетамизга мухбирлардан Э.Нурсаидов, О. Тўхтаров, Қ. Ҳатамов, Ш. Бозоров ва бошқалар хабар қилишган. Газетамизга ҳам бир ёзган Т. Фозилов, Ж. Қўчқоров, И. Имомов, И. Ўринбоев, М. Усмонов, Т. Аҳмадалиев, А. Ортиқов ва бошқалар ҳам жойларда меҳнаткашларга маданий хизмат кўрсатишнинг аҳволи ҳақида ҳикоя қиладилар.

Меҳнаткашларга маданий хизмат кўрсатишни яхшилаш — жойлардаги партия, совет ва комсомол ташкилотларининг, бутун жамоатчиликнинг муҳим вазифасидир.

ТЕАТР ГАСТРОЛЛАРИ

Фарғона областида қардош Қирғизистон ССР, Ўш область театри ижодий коллективининг гастроли давом этмоқда. Театр «Адолат» (И. Акрамов асари), «Бошаранг қийшиқ бўлса ойнадан ўпкалама» (Р. Орифжонов асари), «Тоҳир ва Зуҳра» (С. Абдулла асари) спектаклларини қўйиб меҳнаткашларга маданий хизмат қилмоқда.

Р. МАМАЖОНОВ.

Абулқосим Лоҳутий номидаги Меҳнат Қизил байроқ орденли тожик Давлат академик драма театри Самарқанд, Тошкентдаги гастролларини тамомлаб Бухоро область пахтакорларига намунали хизмат қилмоқдада.

И. ИБРОҲИМОВ.

Самарқанддаги областлараро рус драма театри коллективи Нукус шаҳрига жўнаб кетди. Театрнинг репертуар планида А. Арбузовнинг «Иркутск воқеалари», В. Шекспирнинг «Гамлет», Ҳ. Ҳакимзоданинг «Майсаранинг иши», В. Гюгонинг «Мария Тюдор» каби саҳна асарлари бор.

И. МАДГАЗИН.

ТАНҚИД, ЎЗ-ЎЗИНИ ТАНҚИД БЕЛГИСИ ОСТИДА

(БОШЛАНҒИЧ ПАРТИЯ ТАШКИЛОТЛАРИДА ҲИСОБОТ-САЙЛОВ ЙИҒИЛИШЛАРИ)

Республикамиз пойтахтининг Киров районидаги бошланғич партия ташкилотларида ҳисобот-сайлов йиғилишлари бошланди. Дастлабки ўтказилган йиғилишлар бошланғич партия ташкилотларининг жанговарлик қобилияти, коҳона ва муассаса коллективлари ўртасидаги таъсири ошганлигини, коммунистларнинг ишлаб чиқаришдаги роли, ташаббускорлиги ўсганлигини кўрсатди.

Пайпоқ-трикотаж фабрикаси партия ташкилотининг ҳисобот-сайлов йиғилиши коммунистларнинг актив иштирокида, танқид, ўз-ўзини танқид остида ўтди. Коммунистлар партия ташкилоти секретари Ўртоқ Литвинованинг ҳисобот докладини кенг муҳокама қилдилар ва етти йилликнинг учинчи йилида фабрика коллективининг ўз зиммасига олган социалистик мажбурияти қандай бажарилаётганини чуқур таҳлил этдилар.

Фабрика коллективи ўтган йили ялпи маҳсулот ишлаб чиқариш планини анча ошириб бажарди, шу йилнинг 6 ойлик плани ҳам муваффақиятли адо этилди. 106 коммунистдан 80 киши бевосита ишлаб чиқаришда хизмат қиляпти. Уларнинг кўпи социалистик мусобақа илғорларидир.

Ҳисобот доклади юзасидан 14 киши сўзга чиқди. Улар бошланғич партия ташкилотининг ҳисобот давридаги ишини танқидий нуқтаи назардан таҳлил қилиб, ишда йўл қўйилган камчиликларни конкрет фактлар асосида очиб ташладилар, келгусида ишни яхшилаш юзасидан қимматли маслаҳатлар бердилар.

Коммунистлар фабрикада ишлаб чиқарилаётган маҳсулотнинг сифати пастлигини, ассортимент бўйича белгиланган топшириқнинг бажарилмаётганлигини, илғор тажрибаларни ёйиш ва техника тараққиёти учун курашга етарли эътибор берилмаётганлигини очиб ташладилар.

Ишчилар ўртасида олиб борилаётган сиёсий агитациянинг таъсир доираси тор, бу агитация гурмун билан маҳкам боғланмайди. Цех партия ташкилотларига оператив раҳбарлик қилинмайди.

Ҳисобот-сайлов йиғилишида район партия комитети адресига ҳам танқидий фикрлар айтилди. Райком секретарлари, инструкторлари саноат корхоналарида кам бўладилар, бошланғич партия ташкилотларига кўпинча телефон орқали ва секретарларни райкомга чақириш йўли билан раҳбарлик қиладилар.

«Узглавмашснабсбит» бошланғич партия ташкилотининг ҳисобот-сайлов йиғилиши ишчанлик вазиятида ўтди. Коммунистлар партия ташкилотининг секретари Ўртоқ Аникиннинг фаолиятидаги нуқсонларни ҳам кўрсатиб ўтдилар. Бу ерда партия группаларига конкрет раҳбарлик қилинмайди, амалий ёрдам кўрсатилмайди. Маъмуриятнинг хўжалик фаолиятини назорат қилувчи партия контроль комиссияси (раиси И. Шарипов) шунчаки сайлаб қўйилган. Бу комиссия бир йил мобайнида кўзга кўринарли ҳеч иш қилгани йўқ. Партия маорифи шоҳобчаларида ўтказилган баъзи машғулотлар назарий ва амалий жиҳатдан саёз, паст савияда бўлди. Партия тарихини ўрганиш тўгаракларида (пропагандисти Ткаченко ва Слов ўртоқлар) ўқув йили яхши якунланмади.

Коммунистлар партиявий ишда етарли билим ва тажрибаси бўлмаганлиги, ишни оқсатиб қўйгани учун ўртоқ Аникинни партия бюросининг секретарлигига сайламадилар.

О. ПАРДАЕВ.

Тошкент. З-босмахона ишчиси Н. Бирюкова смена нормасини 120 процентга етказиб бажармоқда. Шу кунларда ўртоқ Бирюкова коммунистик меҳнат зарбдори деган шарафли номга сазовор бўлиш учун фидокорона меҳнат қилмоқда. СУРАТДА: Н. БИРЮКОВА иш устида.

Л. Қудратов фотоси.

ФАРҒОНА АЗОТ-ЎҒИТ ЗАВОДИ ҚУРИЛИШИДА

ЎҒРИЛИК ВА КЎЗБЎЯМАЧИЛИК

ҲАММА ШАРОИТ БОР

Фарғона азот-ўғит заводи қурувчилари заводнинг биринчи навбат қурилишини КПСС XXII съезди очилиши кунига битказиш мажбуриятини олгандар. Бу фақат қурувчиларнингина эмас, ҳамма фарғоналикларнинг ҳам шарафли бурчидир. Заводнинг биринчи навбати ишга тушди, деган сўз мамлакат қишлоқ хўжалиги қўшимча минглаб тонна азот ўғити олади демакдир. Кейинги йилларда завод маҳсулоти 2,5-3 баравар ошади.

Завод қурилиши 8-трестнинг йирик ташкилотларидан бўлган 5-қурилиш бошқармасига топширилган. Қурилишда 11 та ёрдамчи пудрат ташкилоти қатнашмоқда. Шуни айтиш керакки, қурувчилар олган мажбуриятларини тўла бажаришлари учун ҳамма имкониятларга эгалар. Заводнинг биринчи навбатини КПСС XXII съезди очилиш кунигача бемалол битказиш мумкин. Коллектив ишчан. Илғор, катта тажриба орттирган ишчилар, инженер-техник ходимлар, малакали мутахассислар бор. Ўзбекистон ССР Олий Советининг депутати Г. Собиров бошчилик қилаётган 2-монтаж бошқармаси фақат заводдагина эмас, республикада машҳур. Бу бошқарма қанчаданқанча катта қурилишларда қатнашмаган, муҳим ва масъулиятли вазифаларни бажармаган дейсиз. А. Эргашев бошлиқ «Узэлектромонтаж», О. Солодкин раҳбарлик қилаётган қурилиш, Г. Аверкин бошлиқ «Средазмонтаж» ва бошқа йирик ташкилотлар шу ерда хизмат қилади. Заводга Совет Иттифоқидаги 200 дан ортиқ саноат корхоналари турли буюмлар етказиб беради.

Я. Вохидовнинг коммунистик меҳнат бригадаси, В. Беккнинг монтажчилари, Ф. Сулаймоновнинг дурадгорлар бригадаси, В. Горелкиннинг электр пайвандчилари, Т. Близнецевнинг бульдозерчилари, С. Гришановнинг труба ётқизувчилари мусобақада олдинда бориб, ажойиб ютуқларни қўлга киритмоқдалар. Булар кунлик, ўн кунлик ва ойлик топшириқларни ҳар доим орттириб адо этмоқдалар. Муҳим объектларда қурилиш индустриясининг сўнгги ютуқларидан фойдаланилмоқда.

Азот-ўғит заводи қурилишининг муҳимлигини ҳисобга олган область партия комитети ва механизаторлар депутатлари область Совети ижроия комитети 8-қурилиш трестининг энг яхши ташкилотларини, мавжуд механизм ва ресурсларни ана шу қурилишга сафарбар этди. Ишчи кучи ва қурилиш материаллари билан таъминлаш анча яхшиланди. Улардан тўғри фойдаланилса, қурилишда юз бераётган жиддий нуқсонлар вақтида тугатилса мавжуд ишлаб чиқариш базаларидан тўғри ва унумли фойдаланилса, тугдириб берилган шарт-шароитлар тўла-тўкис ишга солинса, заводнинг биринчи навбат қурилиши белгиланган муддатда битказилиши ва қишлоқ хўжалиги учун кўплаб ўғит ишлаб чиқариши мумкин. Шунга қарамай завод қурилиши ишида катта-катта нуқсонлар юз бермоқда.

ДИРЕКЦИЯНИНГ АЙБИ БИЛАН

Завод дирекцияси шу кунгача 5-цех учун қозон утилизатори масаласини ҳал қилмаган. Цехнинг муҳим машина-ускуналарини «Созюглавхимкомплект»та қарашли корхона тайёрлайди. Бу машина-ускуналарни тайёрлаш учун 1961 йил тўртинчи кварталига буюртма юборилган. Ҳолбуки бу ускуналар шу йил биринчи кварталида ўрнатилиши керак эди.

Бор машина-ускуналардан қандай фойдаланилаётир? 33 та насос компрессорлари, 15 та асосий цехларнинг буюмлари, 66 та кимё ускуналари завод омборидан қурилиш майдонларига келтирилмай турибди, 545 та задвижка, 234 та винтил, 33 та клапан ва бошқа машина-механизмлар ҳамда уларнинг деталлари очиқ ҳавода занг босиб ётибди.

Ишчи лойиҳаларининг кўпи нотўғри чизилган. 307. 308, 352, 401, 402, 403, 406-корпусларда қилинган ишларнинг анча қисми лойиҳалар нотўғрилигидан қайтадан бажарилди. Цехлараро коммуникация, теплотрасса, мой омбори, алоқа ва сигнализация бўлимларида ҳам жиддий хато ва камчиликларга йўл қўйилди.

Заводнинг «В» қисмини бутунлай қайтадан қуришга тўғри келади. Чунки, ёпилган томлар, карниз плиталари завод томонидан берилган лойиҳа асосида қурилган эди. Бу лойиҳалар талабга жавоб бермайди. Материаллар омбори йиғма темир-бетондан ишланди. Бино битказилгандан кейин пойдевори нотўғри қўйилгани, зилзила ва бошқа табиий офатларга бардош бера олмаслиги равшан бўлиб қолди. Шунинг учун ҳам бу бино ҳали қабул қилинмай турибди.

Асосий технология ускуналари ўз вақтида етказиб берилмаяпти. Тайёр ускуналардан 45 таси, иккита утилизатор қозони, сепаратор, 11 хил насос, «СД-25» деаэрацион колонна, 15 хил вентилятор завод дирекциясининг айби билан келтирилмаган. 39 та муҳим технологик ускуналарга буюртмалар анча кечикиб берилган. Тошкент экскаватор заводи бугга бардош берадиган буюмдар етказиб бериши керак. Буюртма берилганига қарамай, завод бу нарсаларни ишлаб чиқаришга киришмаган.

Республика Қурилиш министрлиги Фарғона азот-ўғит заводи учун 560 тонна металл, минг тонна цемент, 3000 кубометр ёғочни тўртинчи кварталда эмас, учинчи кварталда етказиб бериши лозим. Бу ҳақда қоғозбозлик, гап-сўз жуда кўп-ку, амалий ишдан дарак йўқ. Ўзбекистон Халқ хўжалиги кенгаши 1220 тонна пўлат қувур, 60 тонна аъло сортли пўлат, 830 тонна кислотага чидамли материал, минг тонна веппласт, 2500 дона арматура етказиб беришни кечиктирмоқда. Бу соҳада завод дирекцияси ҳам келишувчилик қилмоқда.

Заводнинг селитра омбори, тайёр ўғитларни қоплаш бўлими шу йил 1 апрелда тўла битиши керак эди. Бу объектларда иш ниҳоятда суст бормоқда. Ишнинг бориши бу биноларнинг яна бирор ойдан кейин ҳам фойдаланишга топширилмаслигини кўрсатади. Қурилишларнинг ўз вақтида битмаслигига, керакли ускуналарнинг келтирилмаслигига бир томондан завод дирекцияси, иккинчи томондан қурувчилар айбдор.

ҚАЛБАКИЧИЛИК

Қурилиш ишларидаги кўзбўямачиликлар ҳақида ўтган йили кўп гап-сўзлар бўлди. Бу иш билан шаҳар ва область партия комитетлари шуғулланди. Бешинчи қурилиш бошқармасининг собиқ бошлиғи А. Ўразаев ва бош инженери Н. Нам ўртоқларнинг айби билан 1960 йил тўртинчи кварталда 37.811 сўмлик (ҳаммаси эски пул ҳисобида) бажарилмаган ишларга қалбаки ҳужжатлар тайёрланган. Қурилишда кўзбўямачилик қилувчи кишиларга нисбатан қаттиқ чора кўрилмади. Шаҳар партия комитети жиддий хатоларга йўл қўйган раҳбарларни огоҳлантириш билан кифояланди.

Бундан фойдаланган Ўразаев бу йил кўзбўямачиликни кучайтириб юборди. Апрель ойининг ўзида 12.568 сўмлик қурилиш ишлари қилинмагани ҳолда «бу ишлар бажарилди» деб қалбаки ҳужжатлар тайёрланди ва давлат банкасидан маблағ олинди. Биргина термоизоляция участкасини тиклашда 7.821 сўмлик қалбакичилик йўл қўйилди.

Қурилиш трестининг раҳбарлари (бошлиғи А. Алтухов, партия комитетининг секретари Т. Султонов ўртоқлар) бешинчи қурилиш бошқармасининг апрель ойи ҳисоботини қабул қилганларида, 130 минг сўмлик қалбаки ҳужжатлар ҳам тасдиқланаверган. 24.600 сўм маблағнинг қаерга сарфлангани маълум эмас. Қизиғи шундаки, трест раҳбарлари бу сарфларни ҳам қабул қилаверганлар. Апрель ойининг охирида қилинмаган ишлар учун 6854 сўм иш ҳақи ёзилгани, май ойининг бошларида бу маблағ давлат банкасидан олингани маълум бўлиб қолди.

Шу йил 29 март куни қурилиш банкининг ходимлари 5-қурилиш бошқармасининг иш фаолиятини текширмоқчи бўлдилар. Одамлар юборилди. Трест раҳбарлари текширишни ўтказишга тўсқинлик қилдилар. «Ҳозир ойнинг охири, бошқармадагилар март ойини якунлаб олишсин» дейилди. 5 апрель куни 8-қурилиш трести ходимлари бошқарма ишини текширдилар. Улар қурилишда 3.781 сўм 70 тийинлик қалбакиликка йўл қўйилганини аниқладилар. Текшириш актига 5 апрель эмас, «1 мартда текшириш ўтказилди» деб ёзилди. Кейинги текширишда қалбакиликлар юқоридаги суммадан икки-уч баравар ортиқ эканлиги аниқланди.

Ҳамма қурилишларда нарядни ўз вақтида ёзиш қонун бўлиб қолган. Бу ерда ундай қилинмайди. Ишлар нарядсиз қилинаверади ёки қилинмаган ишларга ҳам наряд ёзилиб тасдиқланади. Бригадаларда бир марта бажарилган ишларга бир неча марта ҳақ тўлашга йўл қўйилади. Бир хил меҳнат бир неча хил баҳоланади. Масалан: самосвал машинадан бир кубометр цементни туширишга 2,4, 1,55 ва 4,5 тийин тўланади. Пишган гиштнинг бир тоннасини машинага юклашга ҳам, туширишга ҳам 25,8, 36,6, 39 тийин белгиланган. Меҳнат баҳоларининг бундай хилма-хил бўлиши қурилишда йўл қўйилаётган қалбакичиликларни хас-пўшлашга ёрдам беради.

Қалбакичиликдан ташқари азот-ўғит заводини қураётган ташкилотларда ўғирликларга ҳам йўл қўйилмоқда. Бешинчи қурилиш бошқармасининг В. Яковлев прораблик қилаётган участкасида қисқа вақт ичида 156 кубометр ёғоч материаллари, 16 минг дона пишган гишт ўғирланган. Прораб Старженко участкасида ҳам ана шундай аҳвол юз бермоқда.

Май ойининг ўтган кунлари ичида 847 кубометр сувоқ, 250 кубометр тош ётқизиш, 300 кубометр плита ўрнатиш, 190 метр сим тортиш ва бошқа қурилиш ишлари ортиқча ёзилган. Қурилиш-монтаж ишларига 42 минг сўм кўп сарфланган. Қилинган ишларни ҳисобга олишда ҳам, иш ҳақи тўлашда ҳам ортиқчаликлар, қалбакиликларга йўл қўйилмоқда.

Фарғона азот-ўғит заводи қурилишини тезлаштириш билан қалбакиликларни бартараф этиш керак.

И. ТЎХТАСИНОВ,
«Қизил Ўзбекистон» мухбири.

ГАЗЕТХОНЛАР ХАБАР ҚИЛАДИЛАР

МЕХАНИК-ИНСТРУКТОРЛАР КУРСИ

Республика қишлоқ хўжалик министрлиги қошида пахта териш машиналарининг механик-инструкторлари тайёрлаш тўрт ойлик курси очилди. Бу курсларда республикамиз областларидан келган 300 дан ортиқ механизатор ўқимоқда.

И. ҚУЗИБОЕВ.

БИР РАЙОНДА 7 ЛАГЕРЬ

Косонсой районида болаларнинг ёзги дам олиши намунали уюштирилган. Районнинг Қуйбишев номли, «Коммуна», «Ленин йўли», «Правда» колхозларида, «Қизил октябрь», «Кукумбой» совхозларида ва Калинин номли интернат-мактаб қошида — етти жойда пионерлар лагери ташкил этилди.

Ҳозир бу лагерларда мингдан ортиқ бола дам оляпти.

Т. ТУРҒУНОВ.

ПЛАСТМАССАЧИ ИНЖЕНЕРЛАР

Бу йил Тошкент политехника институтини пластмасса соҳаси бўйича биринчи марта мутахассис кадрлар битириб чиқишди. Ёш пластмассачи инженерлар Иттифоқимизнинг турли шаҳарларига ишга жўнаб кетдилар.

А. ҲИДОЯТОВ.

МУҲИМ СЕМИНАР

Республика ўқитувчилар малакасини ошириш институти ўн бир йиллик мактабларда ўқитиладиган «Илмий билим асослари»дан дарс берувчи ўқитувчилар семинарини ўтказди.

Л. ПАРПИЕВ.

ЯХШИ ТАШАББУС

Булунғур районидаги 19-сакқиз йиллик мактаб ўқитувчилари ва ота-оналар коллективи мактабнинг жорий ремонтини ўз кучлари билан бажаришга қарор қилишди.

Мактаб коллективи жорий ремонт учун ажратилган маблағни ўқув қуроллари, мактаб бадиий ҳаваскорлик тўгарагига чолғу асбоблари сотиб олиш учун сарфламоқчи.

Тошкент область, Чиноз районидаги мактабларда ҳам ремонт ишлари қизғин бормоқда. Райондаги 13, 17, 7-, Ленин номли, «Комсомол» мактабларида ремонт тугатилди.

А. ЛАПАСОВ,
И. ЎРИНБОЕВ,
Т. ИМОМОВ.

ЖИДДИЙ САБОҚ

(САМАРҚАНД ШАҲАР ПАРТИЯ КОМИТЕТИНИНГ ПЛЕНУМИ)

Кейинги йилларда Самарқанд шаҳри ва унинг яқин атрофида якка уй-жой қуриш учун беш мингдан ортиқ хўжаликка ер участкалари берилди. Меҳнаткашлар давлат ёрдамига таяниб, ўз жамғармалари ҳисобига қулай уй-жойлар қуриб олдилар.

Бироқ, ер участкалари ажратиш ва қурилиш материалларини тақсимлашда талон-торожга йўл қўйилди. Бошлаб шаҳар ижроия комитетининг собиқ раиси С. Шокиров ўзи ва акаси учун катта ер участкаси ажратиб олди. Унинг ёнидан область ижроия комитетининг раиси О. Азимов, шаҳар ижроия комитетининг ходимлари Молёва ва Реш, савдо базаларининг бошлиқлари Тўрақулов ва Катаев, область ижроия комитети дам олиш боғининг директори Валиев ва бошқа мансабдорлар жой олиб, катта-катта участкаларни эгалладилар. Шаҳар партия комитетининг биринчи секретари Т. Розиқов ҳам улардан қолишмади. У давлат томонидан берилган яхшигина уйда яшаётган ҳолда данғиллама участка қуриб олди. Қурилиш материаллари давлат ҳисобидан олинди.

Бу жиддий хато ва нуқсонлар шаҳар партия комитетининг яқинда бўлиб ўтган пленумида очиб ташланди. Нотиқлар шаҳар партия комитетининг секретарлари Розиқов, Барабаш, бюро аъзолари Жулматов, Блинков ўртоқларнинг ўжарликларини, кибрланиб кетганликларини, калтабинликларини конкрет мисоллар асосида кўрсатиб ўтдилар.

Тўйчи Розиқов шаҳар партия комитетининг биринчи секретари сифатида ҳеч ким билан, ҳаттоки бюро аъзолари билан ҳам ҳисоблашмай қўйган. У, кадрлар танлашда яккабошлик қилиб Ҳожиев, Каримов, Мўминов каби тасодифий кишиларни раҳбарлик ўринларига кўтарган.

Пленумда область партия комитети адресига жиддий танқидлар айтилди. Область партия комитети Т. Розиқовни шаҳар партия комитетининг биринчи секретарлигига тавсия этиш олдидан унинг сиёсий-маънавий қиёфаси, қобилияти ва ишчанлик сифатларини атрофлича ўрганмаган.

Пленум қатнашчилари «Известия» газетасининг шу йил 11 июнь сонида самарқандлик айрим раҳбар ходимларнинг, шу жумладан шаҳар партия комитетининг секретари Розиқов, область ижроия комитетининг раиси Азимов ўртоқларнинг шахсий мулкчилик тенденциясига берилиб кетганлигини танқид қилингани тамомила тўғри ва ҳаққоний деб топдилар.

— Шаҳар партия комитетининг яроқсиз иш услуби, — деди ўз сўзида 150-қурилиш бошқармаси партия ташкилотининг секретари Ўртоқ Ҳамзаев, — «Қизил Ўзбекистон» газетасида ҳам ўз вақтида тўғри танқид қилинди. Бироқ у бундан ҳалигача тегишли хулоса чиқаргани йўқ.

Ишда жиддий нуқсонларга йўл қўйгани, шаҳсий мулкчиликка берилиб кетгани, ўз айбини партияда яширгани учун пленум Т. Розиқовни шаҳар партия комитетининг биринчи секретари вазифасидан олишга ва партия сафидан ўчиришга қарор қилди.

Ю. ЮНУСОВ,
«Қизил Ўзбекистон» мухбири.

Нозим Иминов Чирчиқ шаҳрида қурилаётган уй-жой биноларини барпо этишда актив иштирок этмоқда. У смена топшириқларини доимо ошиғи билан бажаради. СУРАТДА: «Чирчиқхимстрой» қурилиш ташкилотининг илғор ғишт терувчиси Н. ИМИНОВ.

А. Тўраев фотоси.

ҚИЗИЛҚУМ ПАҲЛАВОНИ

ОЧЕРК

Замонамиз қаҳрамонлари

I

Гуллаган водийларда, баланд қоматли азим шаҳарларда юриб, саҳрога сайрга чиққанимизда уни «бўмбўш бепоён чўл» деб тасвирлашга негадир ўрганиб қолганмиз. Нега биз шундай қиламиз, ахир саҳронинг жуда бой ўз дунёси бор-ку, нега уни бўмбўш деймиз.

Кун қайтяпти. Офтоб тигида эрта тонгдан шомгача силкиниб, ярқираб товланган ялдирбош ялтироқ тусини ўзгартириб қизғиш нурга кўмилди, шабада саҳронинг ана шу сузук кўз, ширин юзли келинчаги билан ёнма-ён ўсаётган қирқсоч, қамчилик, ёвшон сингари ўт ва майсаларни оҳиста тебрата бошлади. Улар бир-бирларининг дийдорларига тўймаган ошиқ-маъшуқлардай сеҳрли шивирлашарди.

Осмонда қушлар овози янграйди; тўлган булдуруқлар галаси бир-биридан ўтишга интилиб, гоҳ арқонсимон чўзилиб-тизилиб, гоҳ йиғилиб, ҳалқа шаклига кириб, қанёққадир. тоғларга, булоқлар бошига тунамоққа шошмоқда.

Оёқ остида ўрмалаган, карвон-карвон саф тортган, тиниб-тинчимас чумолилар ғужуми сийрак тортиб қолди.

Офтобда қизариб сўзарган эчки эмарлар ҳам ин-инига кириб ғойиб бўлди. Фақат иминлаган тошбақаларгина унда-бунда анқайиб турибди.

Йўл ёқасидаги буталар орасидан нимадир сакраб қочди. Бу нима? Тулкими? Йўқ, қўрқоқ қуён. Бечоранинг ҳамиша жони ташвишда, ваҳимада. Ҳеч ким, ҳеч нима ҳамла қилмади шекилли унга. Йўқ, ундай деманг, осмонга қаранг, бургут қанот қоқмоқда! У қочаётган қуён устига ўқдай отилиб, даҳшат билан шўнғиб келмоқда. Ана чангалини кенг ёйиб, шиддат билан ерга тўш урди. Лекин бефойда.

Машина тепаликни босиб ўтганда, уфқда сон-саноқсиз чироқлар порлади. Бу нима? Геологлар шаҳрими? Колхоз раиси қаҳ-қаҳ уриб кулди:

— Бу — Жабай Балимонов шаҳри, — деди.

— Жабай Балимонов қўшида шунча кўп одам яшайдими, бу бутун бир катта шаҳар-ку? — тажжубланди йўловчилар.

— Ҳозир кўрасиз, — деб жавоб берди раис.

Машина порлаган чироқларга яқинлашган сайин улар аста-секин сўна бошлади. Маълум бўлишича, тунда узоқдан қўйларнинг кўзи ана шундай порлаб кўринаркан...

II

Томди чўлларини Қизилқумнинг маркази дейдилар.

Бўлиқ ўтли, ширин сувли Томдибулоқ яйловларида 9 колхоз ва икки совхоз жойлашган. Оқтовни эса бепоён Томди чўлининг кўкраги, юраги деса бўлади. Жабай Балимоновнинг қўш-қўраси ана шу тоғ бағрида. Қизилқумнинг юрагида қарор топган.

Қўш турган жойдан шимолга қараб кенг йўлак — дара очилади. Ана шу дарадан эсган шамол бу ерга файз бағишлайди. Қўш ана шундай жойга тикилмаганда балки жазирама ёз кунлари ҳеч ким бу ерда яшай олмасди, Қизилқумнинг ўтли нафасига бардош беролмасди.

— Бундай жойни танламоқ учун дид керак, — дейди «Оқтов» колхозининг раиси Абдирауф Эшмуродов — Жабай ота Қизилқумни бир неча бор қадамлаб чиққан. Лекин унинг «пойтахти» ана шу ерда мустаҳкам қарор топди. Бу жой унга ёқиб қолди.

Қўшнинг ёнгинасида, дарага кираверишда, катта дарвозада қўриқчи сингари қад кўтариб турган икки бақувват қайрағоч ва кексайиб, қуриб қолган тол дарахти бу ерда қачонлардир, қадим замонда ҳам чорвадорлар қўши бўлганлигидан далолат беради. Шохдор қайрағочлар соясидаги эски қудуқ ҳам бунинг гувоҳи.

Атрофига харсанг тошлар қаланган бу қудуқнинг ана шу қайрағочлардан ёши катта бўлса катта-кичик кичик эмас. Дарахтлар шу қудуқ сувидан вояга етган, албатта. Лекин қудуқнинг суви ҳали ҳам қуриган эмас.

Аммо шундай экан, бундай гўзал ва қулай жойни чорвадорлар илгари нега ташлаб кетишган?

— Бахтсизлик рўй берган — деб тушунтирди Жабай ота. Бахтсизлик рўй берса — ёв босса, ўғри таласа ёки оғир касаллик бўлса, эски замон одамлари «бу ерда яшашимизни худо хоҳламади» деб қалъами, қишлоқми, овулми, қўшми, қўрами ташлаб кетишаверарди. Янги жойга бориб қўнишарди. Ташлаб кетилган жойга эса ҳеч ким қайтиб келмасди, яна бахтсизлик рўй беришидан қўрқишарди. Оқтовда қўш қуришга ҳам бизгача ҳеч кимнинг юраги дов бермаган.

—Демак, бундай жойни танлашда Жабай отага нозик диддан ташқари катта ирода, юксак онг ҳам ёрдам берган — хулоса қилди райком секретари Усенбой Ансатбоев.

Жабай ота мийиғида мулойимгина қулди. Нур ёғилиб турган чеҳраси хулосадан мамнунлигини билдириб турарди.

— Иродамизнинг зўрлиги, тарқоқ эмас, коллектив бўлганимиздан, — деди у,—бизни ёв босолмайди, ўғри талай олмайди, ҳасал енголмайди — паноҳимиз, ҳимоячимиз бор. Партия-ҳукумат бор. Янги замонда яшаяпмиз, ғурбат кўрмаймиз, ғариб бўлмаймиз.

Мен Жабай отанинг юз ва қўлларига чуқур зеҳн солдим. Қанчалик бой унинг ички дунёси! У билан чуқур суҳбат қилмаган киши бу бой ички дунё билан тезда таништолмайди.

Донишмандниг ўзгинаси-ку бу одам!

Жабай отанинг кўкрагида, юраги устида порлаб турган икки олтин юлдузи ана шу нозик ҳисли, бой мазмунли қалбга қанчалик монанд — мос тушганлигини қаранг-а. Қалбининг ташқарисида ҳам, ичкарисида ҳам олтин порлайди. Тасанно шундай кишиларга, офарин шундай кишиларга!

«Чўпон таёқ ишлатишни билса бас» дейишган эски замонда. Биз эса «чўпон таёқ ишлатишни эмас, ақл ишлатишни билиши керак» деймиз. Ақл таёққа эмас, таёқ ақлга бўйсунади. Яна тўғрирогини айтганда ақлли чўпоннинг таёғи бўлмаса ҳам бўлади. Ақл ҳукмрон жойда таёққа йўл йўқ.

Биз Жабай отанинг қўлида ҳам, уйида ҳам таёқ кўрмадик. Ёв босганда ярайдиган, одатда остона ёнида турадиган чўқморга эмас, уйнинг тўрида осиғлиқ турган ов милтиғига кўзимиз тушди. Жабай ота қўй боққанида ҳамиша ана шу милтиғини елкасига илиб оларди. Бу қўрқувдан эмас, ота-ови жуда яхши кўради. Оқтовда, унинг атрофидаги яйловларда тулки, бўри, ҳатто қоплон ва тўнғиз ҳам учраб туради.

«Газандани янч, йиртқични мажақла!» дейди донолар. Жабай ота донолар сўзига амал қилиб, чўл йиртқичларини овлайди, қўй-қўзиларни уларнинг ҳужумидан асрайди.

«Чўпон — юртга посбон» дейишади. Чўпон бор — қўй-қўра осойишта. Кўзичоқлар яйловда ёйилиб-яйраб ўтлаётган оналари атрофида ўйнашади, елпиниб турган кўмкўк, юмшоққина майсаларда ўйноқлаб, қирдан-қирга сакрашади.

Жабай ота эса Оқтов атрофида гиламдай тўшалган майсалар устида ёнбошлаб ётибди. У отарни назаридан ҳеч қочирмайди. Қисиқ кўзлари янада ичрайган, улар узоқ-узоқларни кўради. Бу кўзлар олис қирларда қимирлаётган ҳамма нарсани дарҳол пайқайди, саҳро қумида қолган ҳар қандай изни, ҳар бир чизиқни бехато ўқийди.

Чўлдаги ҳар бир из, ҳар бир чизиқда ўзига яраша маъно бор. Улар бўлган ва бўлиши эҳтимол воқеаларни англатади. — Саҳро каттакон китоб — дейди Жабай ота — унда кўп нарсалар, воқеалар ёзилган. Ана шу ёзув тилини — саҳро белгиларини билиш бизга сув билан, ҳаводай зарур. Тушуниб қадам босишга нима етсин, оға. Тушуниб қадам боссанг гафлатда қолмайсан, хато қилмайсан, ғарқ бўлмайсан. Ахир, саҳро ҳам бамисоли улкан денгиз... Унда тўғри суза билмоқ керак!

Қўйлар бир қирдан ошиб, иккинчиси томон йўл олди. Жабай ота ўрнидан қўзғалди. Қўйлар кетидан бир оз юргач:

— Ҳув, ана кўряпсизми, қумнинг қовурғалари, — деди у барханлардаги чизиқларга ишора қилиб, чизиқ ҳақиқатда ҳам ориқ молнинг қовурғаларидек бўртиб кўзга ташланиб турарди. Чизиқларнинг йўналиши кўрсатяптики, сел кўзғалади. Ҳозир майсаларнинг боши оҳистагина силкинятти, шабада секингина эсиб турибди. Аммо кечга томон у зўраяди, довулга айланади. Бу аниқ.

« Бу аниқ!» дейди қатъият билан Жабай ота. Хулосаларда қатъият иккиланмаслик — донишмандлик белгиси.

Дарҳақиқат, Жабай ота олдиндан белгилагани каби ҳавонинг авзойи бузила бошлади. Илиқ ёқимли шабада ўрнини шовқинли, совуқ шамол эгаллади. У ўсимликларни майишитириб, ерга қапиштирди, барханлардаги эски чизиқларни кўмиб ташлаб, янги чизиқлар чизди, буталар остида уюмлар ҳосил қилди, кўз очиб юмгунга қадар бир бархан йўқ бўлиб, бошқаси пайдо бўла бошлади, қум кўчиб, чанг-тўзон кўтарилди. Қир ортидаги қўйлар кўринмай қолди. Жабай ота отига жадал минди-да отар сари шошди.

Емгир қуя кетди. Энди бундай жала остида қўшга қайтиш амри маҳол эди. Ота қўйларини чаққонлик билан йиғиб, уларни Оқтов биқинига, панага ҳайдади.

«Пана» деганимиз — жарлик, эски ғор.

Емғирда жовраган ва жуни ивиган қўй-қўзилар бу ғорда бужмайишиб, бир-бирларига тиқилишиб, ташқарига, ёруғликка, «қачон бу жала тинаркин» деган назар билан интизор бўлиб боқишарди. Уларнинг кўзлари ғорда тун қоронғисидаги каби ялтираб порларди, чироқ сўлиб ёнарди.

Кутилмаганда қайси бир бургачдан беўхшов, мудҳиш овоз чиқди. Жабай отанинг эти сесканиб кетди, қўйларнинг қулоғи тикайди. Фақат қўзилар, кечагина кўз очиб ёруғ дунёни кўрган мурғак жонворларгина бу даҳшатдан бехабар эди. Уларнинг баъзилари шундай ваҳимали дақиқада, ғор қоронғисида ҳам тимискилаб сут эмар, баъзилари она бағрида осойиштагина ётишар эди.

Чўпоннинг оти ёнида ёнбошлаб ётган «Сергак» ирғиб турди-да, овоз чиққан томонга — ғорнинг тўрига ўқдай отилди. Жабай ота эса милтиғини опил-топил ўқлаб, унинг кетидан чопди.

Ғорнинг қаъридан тўртта олов кўз ловуллаб, олға еларди. «Сергак» йиртқичлардан бирига кўкрак урди. Ғорни ваҳимали шовқин-сурон қоплади.

— «Қоплон!» — деб юборди Жабай ота — балли, «Сергак», иккаласи билан олишяпти-я!

Қоплонлардан бири Жабай отага қараб ўқталди. Аммо қарсиллаб чиққан ўқ уни бирзумда қулатди. Қоплон мисли йўқ даҳшат билан сўкириб, икки-уч марта сапраганидан сўнг хириллаб жон берди. Жабай ота «Сергак» билан олишаётган қоплонга милтиғини тўғрилади. Аммо бирдан тўхтади. Ўқ «Сергак»ка тегишидан қўрқди. Уларни аҳратиб, сўнг қоплонни қулатиш мақсадида ўқни юқоридан ошириб отди. Харсанг тошга теккан ўқ чинқиришидан қўрққан қоплон бир амаллаб «Сергак»дан қутилди-да, ғорнинг қаърига — чалган томонига қочиб ғойиб бўлди. Жабай ота уни қоронғида узоқдан нишонга ололмади. «Сергак» ҳам овини йўқотиб, анчадан сўнг изига қайтди.

Жабай ота отилган қоплоннинг терисини шилиб олди. Бундан 20 йил бурун ҳам йиртқич қоплон учраб қолганда милтиғи бўлмаса ҳам, таёқ билан қулатган эди. Унинг бақувват сармоқлари йиртқичнинг кекиртагини тешган эди...

III

Жабай отани район маркази — Томдибулоққа чақириб, бир ҳанча вақт шу ерда олиб қолишди. «Ота, сиз кекса чўпонсиз, сизнинг жойингиз чўл эмас, район маркази» дедилар унга. — Томдибулоқда туриб, тажрибангизни ўргатинг, ёшларга таълим беринг!».

Аммо Жабай ота Томдибулоқда бир неча кун турди, холос. Шунда ҳам боғлаб қўйилгандек турди.

— Мен чўлсиз яшай олмайман — деди у, ахири район раҳбарларига, — рухсат беринглар, қўшимга кетай, кимга тажриба керак бўлса ўша ерга бораверсин!

Кимдир: «Ҳўп демайсизми чол, бўрон ва жазирамадан қариган чоғингизда қутилдингиз» деб луқма ташлади. Жабай ота бу одамнинг башарасига ажабтовур назар солиб: «Қандай кўрқоқ. қандай маииб одамлар бор оламда!» деб ўйлади, уни ўхшатиб коймоқчи бўлди-ю, яна ўзини тийди. Бироз ётиги билан:

— Огайни, — деди Жабай ота — қишда иссиқ бурчак, ёзда соя-салқинни сизга бағишладик. Мен маииб эмасман. бағри бутун одамман. Кўкрагимни бўрон елпиб, бошимни қуёш қиздириб турмаса, яшай олмайман!

Жабай отанинг қўши. Атиги бир йил бурун бунда туялар яйраб юрмасди. Уларни кўпинча терлаб-пишиб, бўкириб-айқириб қудуқдан сув тортаётган ҳолда кўриш мумкин эди. Ҳозир-чи? Ҳозир қудуққа «ЭЛ-100» маркали сув чиқарувчи лентали агрегат ўрнатилган. Шарақлаб чиқаётган сувни кўриб кўз ва дил қувонади.

Қўшдан беш юз метрча нарида катта бир сурук тўй ва эчки тепаликка секин-аста ўрмалаб чиқиб бораётир. Буёқроқда, қўшга яқинроқ яйловларда эса от ва тойчоқлар, туя ва бўталоқлар ўтлаб юрибди.

Уй ичидан музика эшитилди.

— Музикани севамиз — деди Жабай ота — музика кўнгилни кўтаради, чарчоқни ёзди. Дўмбира чертишни яхши кўраман. Аввалари, радио бизга келгунича эрмагимиз дўмбира эди. Бўш вақтларимизда дўмбира чертиб, қўшиқ ва ўлан тўқиб, эртак айтиб, ҳордиқ чиқарардик.

Энди радио бор, қулоғини бураб юбордингми, етти иқлим бир қадам. Истаган шаҳар билан суҳбат қиласан. Москвами, Тошкентми. Олмаотами. сен билан ёнмаён турибгаплашаверади. Масофа қисқарди. чўлу саҳро, шаҳару қишлоқ бир яхлит бўлиб қолди.

— Тўғри, ҳар биримизнинг уйимизда радио бор. — Қўшимча қилди колхоз раиси — радио, музикагина эмас, балки ҳар бир чўпон, ҳар бир кишини оламда нималар бўлаётганидан хабардор қилади.

— Радио йўлдошимиз бўлиб қолди, — энди эса кўнгил бошқасини тусаб турибди, — ота жилмайиб сўзлади — телевизор керак бўлиб қолди энди, телевизор. Эшитмоқ билан бирга кўрмоқ ҳам лозим. Артистлар уйингни тўрида ўйин кўрсатиб, ашула айтишига нима етсин! Самарқанддан узоқда, тоғли Фориш районида азаматлар қойил қилишибди. чўпонлар уйига телевизор ўрнатишибди, газетада ўқидик, қандини урсин!

«Газетада ўқидик» — бу сўзларни кекса чўпон тилидан эшитиш нақадар яхши!

Жабай отанинг уйида қозоқ, ўзбек, рус тилларида чиқадиган бир қанча газета ва журналларни, хилмахил китобларни кўрдик. Унинг ўғил ва қизлари ана шу учала тилда бемалол ўқишади.

— Чўпонлар меҳнати, турмуши тўғрисида ғамхўрлик қилиш ҳар бир раҳбар кишининг жонажон иши, деб таълим беради ўртоқ Хрушчев, — Жабай ота завқ билан сўзлайди — мактаб-интернат, ясли, боғчалар кўпроқ қуриб берилсин. Чўпон болалари тўқ бўлса кийим-кечаги шай бўлса, яхши тарбия топса, ота-оналари чўлда осойишта меҳнат қилади.

Бундан зўр ғамхўрлик борми оламда? Қайси мамлакатнинг раҳбари оддий киши тўғрисида шунчалик қайғиради. Ғайратинг тошиб кетади, чарчаганингни ҳам. қариганингни ҳам сезмайсан...

— Қора уйлар тўғрисида айтган фикрларини айтмайсизми, — деди райком секретари — кигиздан ясалган қора уйларни бир неча йил ичида пенопласт йиғма уйлар билан алмаштириш керак, деди ўртоқ Хрушчев, бу албатта амалга ошади. Партия айтган иш амалга ошмай қолмайди. Ҳозир жавоб олимдар бу тўғрида бош қотириб, дарров ўйлаб топишди. Яқинда «Правда»да ўқидик. Москвалик олимлар Қозогистон, Қирғизистон чўпонларига пенопласт йиғма уйлар юборишди. Бунақа уйлар анамана дегунча кўпайиб кетади. Шинам ва гўзал, арзон ва қулай уйли қўшлар, чўпон посёлкалари вужудга келади, бу посёлка—қўшларни истаган яйловга бемалол кўчириб юриш мумкин бўлади.

— Бунақа йиғма уйлар ясашни ўртоқ Хрушчев олимларга ҳавола қилди. Қудуқ қазиш. сув тортишни механизациялаш ишини эса чорвадорларга бизнинг ўзимизга топширди. Бу ўзимизга боғлиқ. — Таъкидлади ота. Қудуқдан сувни кўпгина фермаларимизда ҳамон туя билан тортамиз. Бу жуда кўп вақтни, меҳнатни талаб қилади. Ҳозир бинобинодек агрегатлар чиққан. Бўканак чўлида, ғиждувонликлар фермасида ана шундай агрегатлар анчадан бери ишлаяпти. Чўпонлар оғир меҳнатдан, машаққатдан алла қачон қутилган. Агрегатлар бетиним чиқариб турган сувдан қўшнинг атрофи кўкаламзор. Бўканакда ҳозир мева ҳам, сабзавот ҳам бор. Аҳа шулар ҳақида кам бош қотиряпмиз. Ё маблағни аяймизми? Баъзан ўлпон-ўлпон пуғорин ҳаражатлар қиламиз-у. керак жойига сарфламаймиз. Ўзим тўғримда сўзламайман. Менда сув чиқарувчи машина бор. Бошқалар тўғрисида қайғираман.

Жабай ота тамоман ҳақли. Агрегатлар жуда зарур, фермаларда машиналар кун сайин кўпайиб бормоқда. Соғим, кирқим ва бошқа ишларда энди машина ҳукмрон. Қудуқдан сув чиқариш учун яхши агрегат — машина мавжуд экан, нега кўпгина жойларда ҳанузгача қовғада туя билан сув тортамиз?

Жабай ота узоқ яшаб, кўпни кўрган киши. «Ё чўлу биёбонда, ёки шаҳри азимда бўл» деганларидай, у мамлакатнинг кўпгина катта шаҳарларига бориб келди. Ватанимизнинг пойтахти Москвада бир неча бор бўлди. Партия съездларида, Олий Совет сессияларида халқ сайлаган донолар билан биргаликда улкан масалаларни ҳал қилишда қатнашди. У фахрий академик, чорвачилик соҳасида билағон олим. У билан фақат Қизилқумдагина эмас, балки Бухорода, Тошкентда ва ҳатто Москвада ҳам маслаҳат қилиб туришади. Жабай ота тажрибаси — чорвадорлар учун катта мактаб. Самарқандлик чўпон Турсун Бумагов, ғиждувонлик Тўй Қораев, уни «устозимиз» дейишади, маслаҳат сўраб хат ёзиб туришади.

Социалистик Меҳнат Қаҳрамони Қолимбет Костемиров, Ленин орденли Давлат Бурхонов, Қолдигул Емжарова Жабай отадан гоят миннатдор.

Жабай ота новатор. Ҳар йили бирор янгилик ўйлаб топмаса қўймайди. Бекор ётган резервларни, имкониятларни қидириб топади.

— Қизилқумда консерва заводи қуриш керак — дейди у — ҳар йили баҳор пайтида, қўзилатиш даврида минглаб-миллионлаб барралар тери учун сўйилади. Уларнинг гўшти қаёққа кетади? Бир қисми ейилади. албатта. Лекин анчагина қисми нобуд бўлади.

Қўзилатиш кампанияси даврида қўл-қўлга тегмайди, вақт тиғиз, йўл узоқ, водийдаги шаҳар, қишлоқларга барра гўштининг ҳаммасини етказиб беролмаймиз. Кучимиз етганича, тузқок киламиз. Бироқ, барибир жуда кўп барра гўшти нест-нобуд бўлади.

Жабай отанинг таклифи билан касал ва чарчаган ҳўйлар учун алоҳида қўра ташкил қилингани кимни қувонтирмайди? Бу тадбир қанчадан-қанча қўйни ўлимдан ва яна қанчадан-қанча қўй-қўзиларни касалланишдан асраб қолди.

Чўпонлар ҳазиллашиб бундай қўраларни «санаторий» деб атадилар. Жуда тўғри ном. Санаторий фақат кишиларгагина эмас, жонворларга ҳам даркор экан. Бу тадбир қиш ва эрта баҳорда, чўпонлар тили билан айтганда, «йўғон чўзилиб, ингичка узиладиган» пайтларда жуда қўл келмоқда. Ўндиликда йўғон чўзилиб, ингичка узилмайдиган бўлиб қолди.

Агар шу тадбир ҳамма жойга, барча фермаларга ёйилса, чорва молларининг ҳалок бўлиши жуда камайиб кетиши турган гап. Оқилона тадбир, истиқболи зўр тадбир!

Жабай ота қўшида ана шу қўра-санаторийда дам олган, даволанган қўйлар қўша-қўша қўзи беряпти. Бир йилда икки марталаб қўзилаяпти. Қоракўл терисининг сифатини демайсизми?

— Антиқа! — дейди Жабай ота севиниб — антиқа! Ана буниси— шамчироғ, унисн — шерози, сур, осмон булути..

Буларнинг ўзи бўлган эмас. Бунда ҳам меҳнат-машаққат, зеҳн-заҳмат. илму ҳикмат бор. Антиқа она қўй қорнидан ёриб олинади. дердилар. Бир вақтлар ваҳший чорвадор — бойлар шундай қилганлар. Жабай ота эса бундай қилмайди. Антиқани ва бошқа қимматбаҳо қоракўл навларини Жабай ота узоқ йиллар мобайнида чатиштириш, пайванд қилиш йўли билан етиштирди.

IV

Ёши етмишга яқинлашиб қолганига қарамай, Жабай ота пиёда ҳам. сувора ҳам ўзини тетик сезади. Бу тетиклик ва баҳодирона ҳис, ҳали юракда, томирларда кучқувват барқ уриб турганлигидан, бутун аъзои-баданининг бардамлигидан далолат беради.

У. от устида баъзи қариялар сингари қоматини эгиб эмас, балки катта жангдан ғолиб қайтаётган ботир йигитдай магрур тутади.

Майин шабада отанинг чўққи соқолини сийпайди, чулдираган тургайлар елкасига, майин оқ жундан тикилган қалпоғига қўнайқўнай деб ўтишади, япалоқ қушлар дам ерга тўш уриб, дам парвоз қилиб ўйнашади, томоша кўрсатишади.

Жабай ота эркалаётган қушларнинг ўйин-томошасига, чўл гулларининг минг туман товланишига, табиатнинг, шунинг сингари барча жилваларига у қадар эътибор бермай бораётир. У булоқ бўйидан ҳуркиб қочган бир жуфт киёикка ҳам бир назар ташладию, ўз ўйхаёлига берилди. Нималар тўғрисида ўйлаяпти у? Лабларн секин қимирлайди, оҳиста шивирлайди, қўшиқ айтмаяптимикин? Ҳа. шунга ўхшайди. Қўшиқ айтаяпти, қўшиқ! Нега бўлмаса овози чиқмайди? Тилн эмас, дили куйлаяпти. Юрак куйи — зўр куй. Тил ёлғон куйлаши мумкин. аммо дил ёлғон куйламайди.

— Москва, Съезд — дейди Жабай ота шивирлаб — йигирма иккинчи съезд!

Шунинг учун унинг ҳаяжони алоҳида .қўшиғи ҳам куйи алоҳида. Фақат ҳаяжон, фаҳат қўшиқ ва куй алоҳида бўлиб қолмасдан. энг муҳими иш алоҳида бўлмоғи лозим. Ана шу ҳақда ўйлаб. ана шу ҳақда куйлаяпти ота.

Ҳар юз совлиқдан 130 дан қўзи олиш, дунёда энг қимматбаҳо қоракўл етиштириш, ҳар бош қўйдан 3 килограммдан оширб майин жун олиш — катта иш эмасми? Мўл-кўл гўшт. сут-қаймоқ, зебу зийнат яратиш — катта иш эмасми. Бирорта ҳам молни нобуд қилмай, қаҳратон қишдан омон олиб чиқиш катта иш эмасми? Қаҳрамонлик бу, чинакам қаҳрамонлик!

... Гувиллаб самолёт ўтди. Ота осмонга тикилди. — Газлига учмоқда, — шивирлади у қалбида ғурур барқ уриб. — Қизилқум тупроғи, бой тупроқ, олтин тупроқ! Яйловларимизда сон - саноқсиз қўй-қўзилар яйраб-яшнаса, еримизнинг қаърида нефть дарёси оқиб, газ қайнайди. Мен ана шулар билан бораман съездга, мен улуг партия съездини ана шулар билан қутлайман!

Жабай ота қўшига қайтатуриб, ана шулар тўғрисида ўйлар, ана шулар ҳақида куйлар эди.

Йўлдош МУҚИМОВ.

Жабай БАЛИМОНОВ.

Н. Меламед чизган расм.

ДАЛА ИШЛАРИ ҚУНДАЛИГИ

МАККАЖЎХОРИНИ ҚУНТ БИЛАН ПАРВАРИШ ҚИЛАЙЛИК

Республика колхоз ва совхозлари ҳозиргача 224 минг 400 гектар ерга маккажўхори ва оқжўхори экдилар. Асосий майдонга гибрид уруғи квадрат-уялаб экилди. Маккажўхори етиштириш билан шуғулланадиган 1300 дан кўпроқ ихтисослаштирилган бригадалар ташкил этилди.

Илғор бригадалар маккажўхорини қунт билан парвариш қилиб, унинг тез ривожланишини таъминламоқдалар, маккажўхоридан юқори ҳосил етиштирмоқдалар. Юқори Чирчиқ районидаги «Политотдел» колхозининг Любовь Ли, Шофирикон районидаги Сталин номли колхозининг Очил Мўминов, Қорақалпоғистон АССР, Тўрткўл районидаги «Қизил Ўзбекистон» колхозининг Мадрайим Жуманазаров ўртоқлар бошлиқ бригадаларида бўйи баланд маккажўхори силосбоп бўлиб қолди.

Барча колхоз ва совхозларда ҳам маккажўхорини ўз вақтида, юксак агротехника қоидаси ассосида парвариш қилиб, ундан мўл ҳосил етиштириш учун ҳамма имконият бор. Техника етарли. Лекин ҳамма жойда ҳам мавжуд имкониятлардан самарали фойдаланилмаяпти, илғорлар тажрибаси қўлланилмаяпти. Ана шундай хўжаликларда маккажўхори ва оқжўхорини парвариш қилиш кечиктириб юборилмоқда. Республикада 80 минг гектардан ортиқроқ ердаги экин қатор оралари ҳали бир марта ҳам парвариш қилинган эмас. 30 процент ердаги маккажўхори экилгандан буён суғорилгани йўқ. 80 минг гектар майдондаги экин оқсиқлантирилмасдан турибди.

Маккажўхори ва оқжўхорини парвариш қилишда Қорақалпоғистон АССР, Хоразм, Самарқанд, Бухоро областлари айниқса судралиб қолмоқда. Қорақалпоғистон АССРда 21700 гектар ердаги экиндан бор-йўғи 8600 гектари бир марта, 1700 гектари икки марта культивация қилинди. Бухоро областида барча экин майдонининг 32,1 проценти, Самарқанд областида 24,2 проценти, Хоразм областида 20,1 процнти иккинчи марта ишланди. Бу областларда катта-катта майдондаги экин ҳали биринчи парваришдан чиқарилмасдан, суғорилмасдан турибди. Натижада ер қотиб қолиб ва бегона ўт босиб, экинларнинг ўсишига халақит бермоқда. Булар маккажўхори ва оқжўхори етиштиришга ҳамон эскича муносабатда бўлинаётганлигининг оқибатидир.

Маккажўхори ва оқжўхори чопиқ қилинадиган экин. Айниқса маккажўхори тупроққа ва иссиқликка жуда талабчан. Меҳр билан парвариш қилингандагина, бу экиндан мўл ҳосил етиштириш мумкин. Қатор ораларини вақтида ишлатиш, суғориш, озиқлантириш, бегона ўтларни ўташ керак.

Маккажўхори ва оқжўхорини парвариш қилишда ишнинг сифатига алоҳида эътибор бериш талаб этилади. Қатор ораларини ишлатишда, суғоришда, озиқлантиришда ва бошқа агротехника тадбирларини амалга оширишда сифатсизликка йўл қўйилса, экинлардан мўл ҳосил олиб бўлмайди, меҳнат зое кетади. Шунга кўра, колхоз ва совхозларнинг агрономлари экинларнинг қатор оралари қандай ишланаётганлигини доим назорат қилиб боришлари, сифатсиз бажарилган ишни брак қилиб, уни айбдорлар ҳиссобига қайта ишлатишлари зарур. Бунинг учун уларга кенг ҳуқуқ берилгандир.

МИРИШКОРЛАР

«Москва» колхози Жиззах районидагина эмас, балки республикамизда энг йирик хўжаликлардан бири. Колхоз 3200 гектар ерда пахта, 6 минг гектарда ғалла, 530 гектарда беда, 225 гектарда маккажўхори етиштиради. Яйловда 30 минг қўйи, огилда 220 бош қорамоли, 614 соғин сигири, 900 бош чўчқаси ва бошқа чорва моллари бор.

Колхоз бу йил давлатга 19 тонна 200 килограмм пилла ва 5 минг дона қоракўл тери топшириб, бу соҳада ўз аҳдини ўрнилатди. Шунингдек давлатга жун, гўшт, тухум ва бошқа қишлоқ хўжалик ва чорвачилик маҳсулотлари кўплаб топширилмоқда. Колхоз пахтакорлари ҳар гектар ердан 34.5 центнердан, ҳаммаси бўлиб 11 минг тоннадан ортиқ «оқ олтин» етиштириш ҳақида социалистик мажбурият олганлар. Бу мажбуриятни шараф билан бажариш учун ҳамма бир кишидай зўр уюшқоқлик билан меҳнат қилмоқда.

— Пахтадан мўл ҳосил етиштириш,—дейди колхоз раиси, Социалистик Меҳнат Қаҳрамони Ҳамроқул ака Носиров,— даставвал ҳамма бригадаларнинг яхши ишлашига, уларнинг гайратига боғлиқ. Битта ёки иккита илғор бригаданинг юқори ҳосили билан хирмонни катта кўтариш мумкин эмас. Биз колхозимиздаги 24 та пахтачилик бригадасининг ҳаммасида баракали ҳосил етиштириш тадбирларини кўряпмиз.

Биз гигант колхознинг пахтазор участкаларида, яқин-йироқ лардаги бригадаларида бўлдик. Тоғ этакларида ўртоқ Йўлдош Эрматов бошлиқ 11-бригада 140 гектар ерда пахта етиштирмоқда. Бригада бу йил гектаридан 40 центнердан хирмон кўтармоқчи.

Толзор ёқалаб, анча нарига юрдик. Борган сари кўнглимиз равшан тортарди. Бригадир Йўлдош ака бизга пешвоз чиқиб, ғўзасини кўрсатди. Эгат оралаб ичкари юрдик. Ўн гектардан ортиқ келадиган катта картада битта ҳам бегона ўт кўринмайди. Ҳар туп ғўзада ўндан ортиқ шона, гул ва тугунчалар бор.



— Биз бўлигига эмас, мана бунақанги пағонига кўпроқ қараймиз. Бизнч қулдирадиган ҳам, қизартирадиган ҳам шулар,—деди Йўлдош ака эгатларнинг у ер-бу ерида бошқаларга қараганда бўйи паст ғўза кўчатларини кўрсатиб.

— Кейин экилганми?—деб сўрадик бригадирдан.

— Ҳа, чигит ола чиқиб қолди. 20 процентга яқин кўчатни кейин экдик.

Бригаданинг 40 аъзоси бор. Бу азаматлар 140 гектар ерда ғўза тупларининг тўла қалинликда бўлишини таъминлаганлар. Биз шу бригаданинг одамлари орасида бўлиб, уларнинг ажойиб ишларини кўрдик. Файзиқул Тошпўлатов билан Зиёд Фармонов катта картадаги ғўзани икки томонлама культивация қилишяпти. Сувчилардан Анвар Исмоилов. Пўлат Ҳайдаров яхлит картанинг икки чеккасида туриб, эгатларга тараларди сувни кўздан кечирмоқда, бу ерларга кечаси тараларди сув эгатларни қоратир тусга айлантирган. Сувчилар ўқариқлар оралаб, сувни бошқа картага олишга тараддуд кўра бошладилар. Шу вақт икки киши биз томонга кела бошлади. Бригадир улар билан таништирди. Сувчилар экан, смена олишга келишибди.

Сувни расамади билан, эҳтиёт қилиб сарфлаш ҳамманинг фикрида ёдинн қамраб олган. Колхоз правлениеси ва колхоз партия ташкилотининг йиғилишларида ҳам экинларни суғориш ва сувчилар иши устидан контроль ўрнатишни яхшилаш масаласи кенг муҳокама қилинган.

Жазирама ёзда ҳар бир кўчат, сув дейди. Сув эса ўтган йилдагига қараганда оз. Шунинг учун колхознинг ҳар бир даласи текширилиб, сувга маҳтал бўлган ерларгагина сув қўйилмоқда.

Колхоз правлениеси ва партия ташкилоти ғўза ва бошқа экинларни парвариш қилиш юзасидан ойлик иш плани тузиб, бу планга қатъий амал қилиб, иш олиб бормоқдалар. Гигант колхознинг азамат миришкорлари КПСС XXII съезди ва Ўзбекистон Компартияси XVI съездини мўл ҳосил карвонлари билан кутиб олиш учун фидокорона меҳнат қилмоқдалар.

Н. ЭГАМНАЗАРОВ.

БУХОРО область. Қоракўл районидаги «Октябрь» колхози тажриба-намуна хўжалигининг маккажўхорикорлари 87 гектар ерда мўл ҳосил етиштириш учун курашмоқдалар. СУРАТДА: звено бошлиғи Ҳамро ОЧИЛОВ ва колхоз агрономи Яхшигул САФАРОВА ўртоқлар маккажўхорининг ўсишини кўздан кечирмоқдалар.

Ш. Мўминов фотоси. (ЎзТАГ фотохроникаси).

МУХБИРЛАР ПОСТИ ХАБАР ҚИЛАДИ

Сувдан тежаб фойдаланилмоқда

ЧУСТ. Ленин номли тажриба-намуна хўжалиги аъзолари сув ресурсларидан тежаб-тергаб фойдаланиш ва сув таңқислигини йўқотишда ўрнак кўрсатмоқдалар. Бу ерда Гова сойига насос ўрнатилиб, сув чиқарилди. Бу сув билан И. Ризаев,К. Тўхтаназаров, Н. Деҳқонов ўртоқлар бошлиқ бригадаларнинг ғўзаси қондириб суғорилмоқда.

Ж. КАМОЛОВ,

«Қизил Ўзбекистон»нинг Чуст районидаги мухбирлар пости аъзоси.

ҚАРДОШЛАРЧА ДЎСТЛИГИМИЗ АБАДИЙ ЯШАЙДИ!

(Боши биринчи бетда)

Москва шина заводининг ишчиси Н. А. Петров минбарга чиқади. У ўз заводининг кўп минг кишилик коллективи номидан корейс халқига социализм қуришда, бутун дунёда тинчликни сақлаб қолиш учун курашда муваффақиятлар тилаб, энг яхши истаклар тошширади.

Москва атрофидаги Горький номли колхоз далачилик бригадасининг звено бошлиғи О. А. Сорокина сўзга чиқади.

Биз, меҳнат аҳллари, дейди у, ер юзида қувонч билан бахт-саодат кўпроқ бўлсин ва кўз ёши билан қайғу-ғам асло сўлмасин, деб зўр бериб курашмоқдамиз. Улуғ Ленин байроғи остида ягона мақсад сари бораётган корейс ва совет халқларининг ана шу муқаддас курашдаги дўстлиги ва жипслиги абадий ва бузилмасдир.

Москва давлат университетининг студенти Р. Савельев корейс халқига, корейс ёшларига самимий, қардошлик саломи ҳамда Корея Халқ Демократик Республикасининг гўзал келажагини қуришда янги зўр муваффақиятлар тилаб, истаклар тошширади.

КПСС Марказий Комитетининг Биринчи секретари, СССР Министрлар Советининг Раиси ўртоқ Н. С. Хрушчев минбарга чиққанида, митинг қатнашчилари ўринларидан туриб, уни чин кўнгилдан самимий табриклайдилар.

Мамлакатимизга келаётган дўстларимизга ўз ҳурматимизни ва меҳр-муҳаббат туйғуларимизни изҳор қилмоқ учун, дейди ўртоқ Хрушчев, меҳнаткашлар вакилларининг йиғилишларини ўтказиб туриш бизда яхши традиция бўлиб қолди.

Н. С. Хрушчев Корея Меҳнат партиясининг тўғри раҳбарлик қилаётганлиги туфайли Корея меҳнаткашлари социалистик қурилишда ажойиб ютуқларни қўлга киритганликларини таъкидлаб, Корея Халқ Демократик Республикасининг ва бошқа социализм мамлакатларининг ютуқлари жуда катта халқаро аҳамиятга эгадир, дейди. Бу ютуқлар тинчликни, мамлакатларнинг миллий мустақиллигини мустаҳкамлашга, бутун кишиликнинг тараққиётига ёрдам беради.

Сўнгра Н. С. Хрушчев Совет Иттифоқи билан Корея Халқ Демократик Республикаси ўртасида дўстлик, ҳамкорлик ва ўзаро ёрдам тўғрисида 6 июлда имзоланган Шартномага тўхталиб ўтади. Бу Шартноманинг имзоланиши совет ва корейс халқлари ўз социалистик дўстликларини нақадар юксак баҳолаётганликларини, бу дўстликни нақадар азиз билиб қадрлаётганликларини кўрсатиб турибди. Биз ана шу тарихий Шартномани тузиш билан, дейди Н. С. Хрушчев, иккала мамлакат халқлари ўртасида аллақачонлар вужудга келган ва муваффақиятли суратда ривожланиб бораётган чинакам қардошлик муносабатларини эндиликда ҳужжат қилиб расмийлаштирдик ҳамда мустаҳкамлаб қўйдик.

Башарти, Корея Халқ Демократик Республикасига ҳужум қилинган тақдирда, Совет Иттифоқи бу ҳужумга ўзига қилинган ҳужум деб қарайди ҳамда бутун кучлари ва воситалари билан Корея Халқ Демократик Республикасини қўллаб-қувватлайди, деб агрессив кучларни огоҳлантириб қўйишни биз ўзимизнинг бурчимиз деб ҳисоблаймиз.

Н. С. Хрушчев бундай дейди: мамлакатнинг Жанубий ва Шимолидан иборат конфедерация вужудга келтириш Жанубий Корея билан Шимолий Корея ўртасида иқтисодий ва маданий алоқалар ўрнатиш тўғрисидаги Корея Халқ Демократик Республикаси ҳукуматининг таклифларини Совет Иттифоқи қизғин қўллаб-қувватлайди. Бу тадбир мамлакатни бирлаштириш учун яхши асос бўлиб хизмат қила олган бўлур эди. мамлакатни бирлаштириш тинч йўл билан демократик асосда амалга оширилмоғи керак.

Совет ҳукуматининг бошлиғи Узоқ Шарқ ва Осиё проблемаларига ҳам тўхталиб ўтди. Хитойда халқ революцияси ғалаба қилганлиги, Шимолий Кореяда ҳамда Шимолий Вьетнамда халқ демократик давлатлар вужудга келтирилганлиги, бутун социалистик ҳамкорликнинг куч-қудрати юксалганлиги, деди Н. С. Хрушчев, Узоқ Шарқдаги кучлар нисбатини тамомила ўзгартириб юборди, Осиёни тинчлик зонасига айлантириш учун қулай имкониятлар барпо қилди. Н. С. Хрушчев айтдики, Япониянинг ҳозирги ҳукумати ўз халқининг хоҳиш-иродаси билан ҳисоблашмаётир ҳамда Қўшма Штатларнинг империалистлари олдида қулларча хушомадгўйлик қилаётир.

Ўртоқ Хрушчев жаноб Стивенсоннинг Латин Америкасидаги реакцион кучларни Кубага қарши сафарбар этиш ниятида бу ердаги мамлакатларга қилган сафари барбод бўлганлигини таъкидлаб ўтди.

Н. С. Хрушчев пировардида бундай дейди: янги дунё билан эски дунё ўртасида улкан миқёсларда авж олиб кетган кураш социализмга мамлакатларнинг халқлари зиммасига ниҳоятда ҳушёр бўлиш, ўз сафларининг бирлигини ва жипслигини зийраклик билан кўриқлаш вазифасини юклайди.

Н. С. Хрушчев социализм қуришда, ўз ватанини тинч бирлаштириш учун курашда корейс халқига чин кўнгилдан янги муваффақиятлар тилади.

Раислик қилувчи, Корея Халқ Демократик Республикаси партия-ҳукумат делегациясининг бошлиғи, Корея Меҳнат партияси Марказий Комитетининг Раиси, Корея Демократик Республикаси Министрлар Кабинетининг Раиси ўртоқ Ким Ир Сенга сўз берилади, деб айтганида, залда яна гулдурос қарсаклар янграйди. Ҳамма ўринлардан туради.

Ўртоқ Ким Ир Сен айтадики, Корея Халқ Демократик Республикасининг партия-ҳукумат делегацияси Совет Иттифоқида бўлган вақтда қувончли, унутилмас кунларни бошидан кечирди ҳамда у Совет Иттифоқи Коммунистик партияси Марказий Комитети, Совет ҳукумати, совет халқи томонидан ўртоқларча самимият билан кутиб олинди. Совет дўстларимиз корейс халқига нисбатан кўрсатган оташин дўстлик ҳисларидан биз беҳад хурсандмиз, деди Корея Халқ Демократик Республикаси Министрлар Кабинетининг Раиси.

Совет-Корея музокараларининг бориши, деди ўртоқ Ким Ир Сен, муҳокама қилинган ҳамма масалалар бўйича иккала мамлакат партиялари ва ҳукуматларининг қарашлари батамом бирлигини кўрсатди. Дўстлик, ҳамкорлик ва ўзаро ёрдам тўғрисида тузилган Шартнома катта воқеа бўлиб, иккала мамлакатларимиз — Корея ва Совет Иттифоқи ўртасидаги дўстликни ҳамда ҳамкорликни ривожлантиришда тарихий аҳамиятга эгадир. Корея-Совет Шартномаси — корейс халқининг республика шимолий қисмида социалистик қурилишни муваффақиятли амалга ошириши ишида мустаҳкам негиздир, корейс халқи муваффақиятларини империалистик агрессиядан мустаҳкам ҳимоя қилиш ишида ҳамда Кореяда тинчликни сақлаб қолиш ва мустаҳкамлаш ишида таянчдир.

Корея Халқ Демократик Республикаси Министрлар Кабинетининг Раиси Кореяни демократик асосда тинч йўл билан бирлаштириш масаласига тўхталиб таъкидладики, бу масалани четдан аралашув бўлмагани ҳолда корейсларнинг ўзлари ҳал қилишлари керак, бунинг учун эса аввало, барча чет эл қўшинлари Кореядан олиб чиқиб кетилмоғи лозим.

Сўнгра, Корея Халқ Демократик Республикаси партия-ҳукумат делегациясининг бошлиғи совет ва корейс халқлари ўртасида вужудга келган самимий дўстлик ва қардошларча ҳамкорлик муносабатлари тўғрисида гапирди.

Делегация бошлиғи Корея Халқ Демократик Республикасининг социализм қуришдаги муваффақиятлари тўғрисида батафсил гапириб, бу муваффақиятларни қўлга киритишда Совет Иттифоқининг, Хитой Халқ Республикасининг ва бошқа қардош мамлакатларнинг берган олижаноб ёрдами катта роль ўйнади, деб таъкидлади.

Ўртоқ Ким Ир Сен айтдики, Совет Иттифоқи ва бошқа социалистик мамлакатларнинг халқлари билан маҳкам бирлашган корейс халқи тинчлик ва социализм умумий улуғ ишининг галабаси йўлида охиригача курашга беради. Ўртоқ Ким Ир Сен, яшасин корейс ва совет халқларининг абадий бузилмас дўстлиги ва ҳамкорлиги, яшасин ўртоқ Хрушчев бошлиқ Совет Иттифоқи шонли Коммунистик партияси ва унинг Марказий Комитети, деб хитоб қилди.

Н. С. Хрушчев ва Ким Ир Сен ўртоқларнинг нутқлари зўр эътибор билан тингланди ва қизғин қарсаклар билан кўп марта бўлиниб турди.

Катта Кремль саройидаги митинг қудратли социалистик лагерь мамлакатларини, совет ва корейс халқларини бир-бири билан боғлаб турган қардошларча бузилмас дўстликнинг ёркин далили бўлди. (ТАСС).

Фарғона областининг шаҳар ва қишлоқларида меҳнаткашларнинг 12 мингдан ортиқ боласи пионер лагерларида ва болалар санаторийларида дам олмоқда. СУРАТДА: «Водил» болалар санаторийсида. Г. Бойко фотоси. (ЎзТАГ фотохроникаси)

«ҚУРИҚ ЕР ҚАҲРАМОНЛАРИГА» МОНУМЕНТИНИНГ ЭНГ ЯХШИ ЛОЙИҲАСИ УЧУН БУТУНИТТИФОҚ ОЧИҚ КОНКУРСИ ЎТКАЗИШ ТЎҒРИСИДА

СССР Министрлар Советининг топшириғига мувофиқ, СССР Маданият министрлиги, СССР халқ ҳўжалиги ютуқлари виставкаси кенгашининг комитети, Москва шаҳар ижроия комитети, СССР Архитекторлар союзи, СССР Рассомлар союзи ва СССР Бадиий академияси «Қўриқ ер қаҳрамонларига» монументининг энг яхши лойиҳаси учун Бутуниттифоқ очиқ конкурси эълон қиладилар.

Монумент Москвада СССР халқ ҳўжалиги ютуқлари виставкаси территориясида ўрнатилади.

Конкурсда қатнашадиган авторлар иншоотни монументал санъат воситалари билан образли тарзда қуриб, жуда катта қўриқ ерларни қисқа муддат ичида ўзлаштирган совет халқининг буюк меҳнат жасорати темасини очиб беришлари керак. Монумент композициясида совет кишилари ватанпарварлик туйғусининг юксак пафоси, одам оёғи етмаган жуда катта майдонларни халқ бахт-саодати йўлида ўзгартирган ҳамда Ватан шонуҳрати ва бойлигини оширган инсон меҳнатининг пафоси ва романтикаси акс эттирилиши лозим.

Қўриқ ерларнинг ўзлаштирилганлиги Коммунистик партия ленинча сиёсатининг катта ғалабаси, халқлар ўртасидаги қардошларча бузилмас дўстликнинг янги ёркин ифодаси бўлди.

Монументнинг программ топшириқда белгиланган темасини нисбатан энг яхши ҳал этганлик учун қуйидаги мукофотлар белгиланади:

Биринчи мукофот 2500 сўм;

иккинчи мукофот 1500 сўм;

ҳар қайсиси 500 сўмдан рағбатлантирувчи учта мукофот.

1962 йил 15 январдан бошлаб, конкурсга тақдим этилган лойиҳалар виставкаси ташкил этилади.

Оламда янгилик

Колумбиянинг маркази Боготода яшовчи камбағаллар шаҳар чеккасидаги ерларда кулбалар қурмоқчи бўлдилар. Бироқ полиция уларни бу ерлардан қувиб чиқарди. Камбағаллар ариза билан муниципалитетга мурожаат қилдилар. Улар полиция бебошлигига қарши намойиш ўтказдилар. СУРАТДА: «Бизга милтиқ эмас, уй-жой керак!» деган шиорларни кўтариб олган намойишчилар.

Пренса Ларни фотоси (ТАСС фотохроникаси).

Ю. А. ГАГАРИН ЯПОНИЯГА КЕЛИШГА ТАКЛИФ ҚИЛИНДИ

ТОКИО, 6 июль. (ТАСС). Атом ва водород қуролини тақиқлаш учун кураш Умум Япония кенгаши биринчи космонавт-учувчи Ю. А. Гагаринга мурожаат қилиб, шу йил август ойида Токиода ўтказиладиган атом ва водород қуролини тақиқлаш учун, қурол-сизланиш учун 7-халқаро конференциянинг ҳурматли меҳмони сифатида Японияга келишни ундан илтимос қилди.

Таклифномада бундай дейилади: Жаҳонда биринчи бўлиб космосга парвоз қилган ва космосни ўзлаштиришда янги эра очиб берган Ю. А. Гагаринингг ҳурматли меҳмон сифатида ана шу халқаро конференцияда ҳозир бўлишини тинчликсевар япон халқи, шунингдек бутун дунёда тинчликни ва ҳавфсизликни мустаҳкамлаш учун курашаётган бошқа мамлакатларнинг халқлари зўр хурсандчилик билан кутиб оладилар.

ОҚ УЙДАГИ МОЖАРО

НЬЮ-ЙОРК, 6 июль. (ТАСС). Президент Кеннеди Массачусетс штатидаги Хианнис-порт деган жойда қисқа муддатли дам олаётган вақтда унинг фаолиятини ёритиб туриш вазифаси юклатилган америка мухбирлари 4 июлда алақандай сирга дуч келдик, деб ўйлаб қолишди.

Москва радиоси Америка Қўшма Штатларининг миллий байрами — Мустақиллик куни муносабати билан Н. С. Хрушчевнинг табрикномасига президент Кеннеди юборган жавоб мактубини эшиттирди. Бу мактуб Оқ уйнинг матбуот масалалари бўйича секретарь ёрдамчиси ўқиб берган текстга қараганда анча каттароқ эди.

Мухбирлар матбуот масалалари бўйича секретарь ёрдамчиси Эндрю Т. Хэтчерга савол бера бошлаганларида, у, бундай тафовутнинг сабабларини дастлаб тушунтириб бера олмади. Аммо ў. 5 июль чоршанба куни Вашингтонга қайтиб борганимдан кейин, буни давлат департаментидан, шунингдек совет элчихонасидан суриштириб биламан, деди.

Бироқ, бир мухбир президент телеграммасининг текстини кўрсатишни илтимос қилиб қолди. Хэтчер бу текстдан матбуот учун кўчирма олишни топширди эди. Текстда қуйидаги жумла ташлаб кетилган экан: «Мен аминманки, жаҳондаги осойишталикни ҳали ҳам бузиб турган проблемаларни тинч йўл билан бартараф этишга эришишни сидқидил истаганимиз тақдирда биз барча халқлар асрлаб интилаётган тинчлик мақсадига бизнинг давримизда етаоламиз».

Хэтчер: «Секретарга ўқиб берғётган вақтимда мен шу жумларни ташлаб кетдим» деб иқрор бўлди.

Мухбирлар Москва радиоси ҳақ экан ва ҳеч қандай сир йўқ экан, деган қарорга келишди.

МЎҒУЛИСТОН ХАЛҚ РЕВОЛЮЦИОН ПАРТИЯСИНИНГ XIV СЪЕЗДИ ЁПИЛДИ

УЛАН БАТОР, 7 июль. (ТАСС). ТАСС мухбирлари **Д. Бочаров** ва **В. Петренко** хабар қиладилар: Бугун Мўғулистон Халқ революцион партияси XIV съездининг охирги мажлисида партиянинг раҳбар органларига ўтказилган сайловларнинг натижалари эшиттирилди.

Съездни ёпиш олдидан Мўғулистон Халқ революцион партияси Марказий Комитетининг биринчи секретари Ю. Цеденбал қисқа нутқ сўзлади.

Съезд ёпилганидан кейин Марказий Комитетнинг пленуми бўлди. Бу пленумда Сиёсий бюро составига Ю. Цеденбал, Ж. Самбу, Л. Цэнд, Д. Балжинням, Ц. Дугэрсурэн, Д. Моломжамц, Н. Жагварал ўртоқлар, Сиёсий бюро аъзолигига кандидатлар қилиб Н. Лувсанравдан ва Д. Майдар ўртоқлар сайланди.

Марказий Комитетнинг биринчи секретари қилиб Ю. Цеденбал, секретарлари қилиб Л. Цэнд, Д. Балжинням, Ц. Дугэрсурэн сайланди.

„ПАХТАКОР" ЯНА УЧИНЧИ ЎРИНДА

ФУТБОЛ

Кеча республика «Пахтакор» стадиони соат 19.00 да ҳаммани ҳайратга солди: ғалаба ниҳоятда зарур бўлган, дуранг ва мағлубият командани орқага суриши мумкин бўлган бир пайтда «Беларусь» командасига қарши майдонга чиққан пахтакорчиларнинг составида футбол ишқивозларини бироз саросимага солиб қўйди: дарвозабон Ю. Пшеничников, ҳимоячилар А. Азизхўжаев, М. Шарипов, В. Суюнов, ярим ҳимоячилар В. Таджиров, С. Семёнов, ҳужумчилар А. Морозов, М. Ёқубов, Г. Красницкий, И. Тазетдинов, Ю. Беляков. Бунинг устига Ю. Беляков ўрнига майдонга В. Ордов тушди.

Кечаги ўйинда пахтакорчилар ёмон ўйнадилар, деган ҳулосага келиш қийин. Ўйиннинг биринчи ярмида Морозов, Тазетдинов, Красницкий ҳамда Беляковни доим ҳужумда, яъни меҳмонларнинг штраф майдончасида кўришга муяссар бўлдик. 90 минут мобайнида чарчамайдиган Ёқубов меҳмонларнинг энг ҳавфли ҳужумчилари Хасин билан Мозерки доимо қўриқлаб, уларни штраф майдончасига йўлатмади. Қариб 11 минут давом этган ҳужум меҳмонларнинг ҳимоячиларини анча юрагини олиб қўйди. Ҳақиқатан ҳам бурчакдан Ёқубов оширган тўп штраф майдончасига келиб тушди. Шиддатли ҳужумга Красницкий билан Тазетдинов аралашди. Аҳволи танг бўлиб қолган меҳмонларнинг ҳимоячиси тўпни қўли билан ушлади. Судья тўпни 11 метрлик белгига қўйди. Дарвозабонларнинг юрагини олиб қўйган Красницкийнинг зарб билан тепган тўпи дарвозанинг сеткасини бир неча дақиқа қимирлатди. Футбол ишқивозлари «Пахтакор»ни қизғин табриклашди.

Ўйиннинг иккинчи бўлимида ҳар иккала команда бўш келмади, деб ҳулосага келиш мумкин. Аммо, пахтакорчилар иккинчи бўлимда жиддий хатога йўл қўйдилар. Тўғри, тўп майдон ағаларининг дарвозасига кирмади. Аммо, қаттиқ ҳимояга ўтган пахтакорчилар олдинга фақат Красницкий билан Морозовни ўтказиб, асосан ҳимоя усулини қўлладилар. Маълумки, икки ҳужумчи билан ҳар қандай қулай шароитда ҳам тўп киритиш ниҳоятда оғир. Бунинг устига, қанотдан бўлган ҳужумни аслида олмаган Морозов жуда кўп ҳолларда қулай имкониятларни қўлдан бой бериб қўйди. Энди меҳмонлар қаттиқ ҳужумга ўтиб, Пшеничниковни шошириб қўйдилар. Айниқса, Хасин билан Мозернинг ҳужумини ўз вақтида қайтара олмаган Шарипов билан Суюнов қийин аҳволга тушиб қолди. Ердамга ярим ҳимоячилардан ташқари Ёқубов билан Тазетдинов келди. Командани голдан ҳам шулар сақлаб қолдилар.

Пахтакорчилар ҳар галдагидек, ўзгад ҳам дадил ўйнаб жуда кўп ҳужумларни бўлгани ички очкони қўлга киритишлар ҳамда учинчи ўринга яна қайтиб чиқдилар.

В. МАҲКАМОВ, И. ШОҒУЛОМОВ.

Редактор З. И. ЕСЕНБОЕВ.

Эълонлар. Томошалар. Рекламалар.

ТЕЛЕВИДЕНИЕ

8 ИЮЛДА

18.30 — **Рўмолчадаги тугун** (болалар учун мультипликацион фильм). 18.50 — **Бизнинг календарь** (ёшлар учун рус тилида). 19.30 — **Телевизион янгиликлар**. 19.50 — **Кун янгиликлари** (киножурнал). 20.00 — **Ҳабибий ижоди** («Қўшиқчи шоирлар» циклидан). 21.00 — **Максимнинг қайтиши** (фильм-трилогиянинг иккинчи серияси. телетомошабинлар талабига мувофиқ). 22.45 — **Эстрада концерти.**

ТЕАТР

ҲАМЗА НОМЛИ ТЕАТРДА (ёзги бино) — 8/VII да **Фурқат**, 9/VII да **Ганг дарёсининг қизи.**

Тошкент-Москва орасида махсус почта-экспресс авиалиниясининг жорий этилиши муносабати билан

АВИАПОСИЛКАЛАР

ВА БОШҚА АВИАПОЧТА

Тошкентда қабул қилинган пайтдан ИККИ КУН ИЧИДА

МОСКВАГА ЕТКАЗИЛАДИ

Тез вақтда Тбилиси—Тошкент—Олмаота—Новосибирск — Иркутск—Хабаровск орасида почта-экспресс авиалинияси ишлай бошлайди.

Мева посилкалари ва бошқа посилкаларни юбориш учун авиапочтадан фойдаланинг!

КИНО

ҚИШКИ КИНОТЕАТРЛАРДА:

Париж Момо Марям ибодатхонаси (I-серия) — «ДРУЖБА» (I-задда), «ВАТАН» (кундуз ва кечқурун).

Хавфли рейс — НАВОИЙ номли, «ИСКРА», «КОМСОМОЛ 30 ЙИЛЛИГИ», «ЎЗБЕКИСТОН», «ЎЗБЕКИСТОН 25 ЙИЛЛИГИ» (кундуз ва кечқурун), «ЕШ ГВАРДИЯ» (кеч соат 5 гача).

Минг қиёфага кирган киши — «ВАТАН» (эрталаб соат 9 ярим ва кундуз 2 да).

Рим каникуллари — СОБИР РАҲИМОВ номли (кундуз ва кечқурун).

Телеграммалар — «ЕШ ГВАРДИЯ» (кеч соат 5 дан), «СПУТНИК» (тўқ соатларда).

Ҳўрланганлар (I ва 2-серия) — «ЎЗБЕКИСТОН» (кеч соат 9 да).

Отасини қидирган қизча — «СПУТНИК» (жуфт соатларда).

Сенинг бахтинг — «ДРУЖБА» (2-залда кундуз ва кечқурун).

Серёжа — «СПУТНИК» (эрталаб соат 10 да).

ЁЗГИ КИНОТЕАТРЛАРДА:

Париж Момо Марям ибодатхонаси (I-серия) — «ФЕСТИВАЛЬ» (кеч соат 9-15 минут ва 11 да).

Хавфли рейс — «ВАТАН», НАВОИЙ номли (кеч соат 9-20 минут ва 11 да), КАФАНОВ номли (кеч 9-15 минутда), «ХЕВА» (кеч 9-15 ва 11-15 минутда), ТЕЛЬМАН номли (кеч 9 ва 10-45 минутда), ПУШКИН номли (кеч 11 да), «УДАРНИК» (кеч 9 ва 11 да).

Синдбоднинг еттинчи саёҳати — «ОКТЯБРЬ» (кеч соат 9-20 минут ва 11 да).

Рим каникуллари — «ШУҲРАТ» (кеч соат 9 ва 11 да).

Оқ акация — КАФАНОВ номли (кеч соат 11 да).

Ўғри ҳақида — «САЛЮТ» (кеч соат 9-15 минут ва 11 да).

Нон ва гул — СТЕПАН РАЗИН номли (кеч соат 9-15 минутда).

Телеграммалар — ПУШКИН номли (кеч соат 9-15 минутда).

Тошкент алоқа политехникуми

ҚАТНАБ ЎҚИЙДИГАН ВА СИРТҚИ БЎЛИМЛАРГА 1961/62 ўқув йили учун

ўқувчилар қабул қилади

Қатнаб ўқийдиган бўлимга ўрта маълумот билан кирувчилар: телевизион техника ва радио-реле алоқаси, шаҳарлараро телефон алоқаси, шаҳар телефон алоқаси, район электр алоқаси ва радиолаштириш, почта алоқаси ихтисосларига қабул қилинади.

Ўқиш муддати 2 йилу 10 ой, почта алоқаси ихтисосида — 2 йилу 2 ой.

Қатнаб ўқийдиган бўлимга тўлиқсиз ўрта маълумот билан кирувчилар: радио алоқаси ва радио эшиттириш, телевизион техника ва радио-реле алоқаси, шаҳарлараро телефон алоқаси, шаҳар телефон алоқаси, алоқанинг линия-кабель иншоотлари, район электр алоқаси ва радиолаштириш, почта алоқаси ихтисосларига қабул қилинади.

Ўқиш муддати 4 йилу 4 ой, почта алоқаси ихтисосида — 3 йилу 6 ой.

Аризалар 31/VII гача қабул қилинади.

Сиртқи бўлимга тўлиқ ва тўлиқсиз ўрта маълумот билан кирувчилар: радио алоқаси, радио эшиттириш, телеграф алоқаси, шаҳарлараро телефон алоқаси, район электр алоқаси ва радиолаштириш, почта алоқаси ихтисосларига қабул қилинади.

Аризалар 5 августгача қабул қилинади.

Техникумга 10-синф ҳажмидаги маълумот билан кирувчилар: рус тили ва адабиётидан (ёзма ва оғзаки), математикадан (ёзма ва оғзаки), 7-синф ҳажмидаги маълумот билан: рус тилидан диктант, математикадан (ёзма ва оғзаки), имтиҳон топширадилар.

Кириш имтиҳонлари 1 августдан 20 августгача ўтказилади.

Аризага қуйидаги ҳужжатлар қўшиб берилади: маълумот ҳақидаги ҳужжатнинг асл нусхаси, тугилганлиги ҳақидаги гувоҳноманинг нусхаси, меҳнат дафтарчасининг нусхаси (икки йиллиқ стажи бўлган кишилар учун), иш (ўқиш) жойидан характеристика-тавсиянома, 3х4 сантиметр катталигида 3 та фотокарточка, турар жойдан справка. 286-форма медицина справкаси. Паспорт, ҳарбий билет ёки приписка гувоҳномаси шахсан келтирилади.

Адрес: Тошкент-37, Лабзак кўча, 112-уй. Телефон 43-512, 40-914, 43-502.

ПУШКИН НОМЛИ ПАРКДА

8, 9 июлда

КАТТА САЙИЛ

Программада: жонли шахмат, **Боровиков** ва **Иброҳим қизиқ раҳ.** барлигида қизиқчилар, акробатлар, ўзбек полвонлари кураши, катта концерт, мушакбозлик ва бошқалар.

Сайил кундуз соат 4 дан бошланади.

ҚЎҚОН КОММУНАЛ ҲЎЖАЛИК ТЕХНИКУМИ

КУНДУЗГИ, КЕЧКИ ВА СИРТҚИ БЎЛИМЛАРИНГ:

шаҳар газ ҳўжалиги, электр станциялари, тармоқлари ва системалари, сув таъминоти, канализация, саноат сувлари ва оқма сувларни тозалаш, шаҳар электр транспорти ихтисосларига

7 ва 10-синф ҳажмида маълумоти бўлган кишилардан

ўқувчилар

ҚАБУЛ ҚИЛАДИ

Қабул шартлари — техникумлар учун белгиланган умумий тартибда.

Кундузги бўлимга кириш имтиҳонлари 1 августдан 20 августгача, кечки бўлимга — 11 июлдан 31 июлгача, сиртқи бўлимга — 20 июлгача ва 10 августдан 20 августгача ўтказилади.

Бошқа жойлардан келганлар ётоқ билан таъминланади. Стипендия умумий тартибда белгиланади.

Мурожаат учун адрес: Қўқон шаҳар К. Маркс кўчаси, 45-уй.

Тошкентдаги

1-ШАҲАР АВТОПАРКИ

машина ҳайдашдан камида 5 йиллик стажи бўлган ва Тошкент шаҳрида яшаб турган кишиларни

II класс шоферлар КУРСИГА

ҚАБУЛ ҚИЛАДИ

Ўқиш муддати 2 ой.

Луначарский шоссе, 50-уйда кадрлар бўлимига мурожаат қилинсин. Телефон 61-307.

Ўзбекистон ССР Маданият министрлигининг Моддий маданият ёдгорликларини сақлаш ва музейлар Бош бошқармаси билдиради:

10 июлдан 1 августгача, Тошкент шаҳридаги Профтехника мактаби Маданият уйининг кичик залида (Пушкин кўчаси, 7-уй)

Ҳамза Ҳакимзода Ниёзий

ҲАЙКАЛИ УЧУН

ЛОЙИҲАЛАР ВИСТАВКАСИ ОЧИЛАДИ

Виставка душанба кунларидан бошқа ҳар куни кундуз соат 1 дан кеч 7 гача очиқ бўлади.

Виставкани ҳар ким кириб кўриши мумкин.

Тошкентдаги

ЛЕНИН РАЙОН ПИШЧЕТОРГИГА

озиқ-овқат товарлари сотувчилар КЕРАК

Сотувчиларнинг иш ҳақи ошириларди.

СОТУВЧИЛАР ТАЙЁРЛАШ УЧУН

2 ойлик курс

ТАШКИЛ ҚИЛИНАДИ

Курсга 7-10 синф ҳажмида маълумоти бўлган кишилар қабул қилинади ва стипендия тўланади.

Правокзальная кўча, 32-уйда кадрлар бўлимига (эрталаб соат 9 дан кундуз 1 гача) мурожаат қилинсин.

Тошкентдаги

5-ГИШТ ЗАВОДЛАРИ БОШҚАРМАСИ

ташкилотларга эрталаб соат 8 дан кундуз 4 гача, гражданларга эрталаб соат 8 дан 10 гача

ХОМ ҒИШТ СОТАДИ

Адрес: Носиров кўчаси, 188-уй.

ИССИҚКУЛ БУЙЛАБ

Прежевальск—Рибачье линиясида Тамга ва Қўйсари орқали

пассажир теплоходлари

ҚАТНАЙ БОШЛАДИ

Теплоходлар Рибачьедан тоқ кунларда, Прежевальскдан жуфт кунларда жўнайди.

Иссиқкўл пароходчилиги бошқармаси.

БИЗНИНГ АДРЕСИМИЗ: ТОШКЕНТ «ПРАВДА ВОСТОКА» КЎЧАСИ, 26 УЙ

КОММУТАТОР —26334, 33262. Редакция бўлимларининг телефонлари: Партия турмуши — 33469. Пропаганда — 34780. Саноат ва транспорт — 27604. Совет қурилиши — 34780. Қишлоқ хўжалиги — 31226. Адабиёт ва санъат — 32036. Фан, мактаб ва олий ўқув юртлари — 34524. Маҳаллий ахборот — 32347. Оммавий ишлар ва хатлар — 29005. Секретариат — 34455. Эълонлар — 28142.

«Қизил Ўзбекистон» «Правда Востока» ва «Узбекистони Сурх» бирлашган нашриётининг босмахонаси.

Р. 01663. Нашр. Б. 150.